

22  
50

ЙҰЛДОШ ШАМШАРОВ

# ЧИРОҚ




Йұлдош  
Шамшаров

•

# ЧИРОҚ


РОМАН

Гафур/Гулом номидаги  
Адабиёт/ва санъат нашриёти



Ха, ҳали табиат оддий инсондан  
Үлүгроқ нарсаны этолмади кашф.  
Аммо одамзодга жуда ҳайронман  
Қалбида қувонч ва хавотир туташ.

ҲУСНИДДИН ШАРИПОВ



Y3  
III 22

■ 70303 — 9  
352(06) — 79 173 — 79

## БИРИНЧИ ҚИСМ

### I

**О**ңном. Тун бахмалини қишлоқ узра ёйиб келарди. Салған күз шабадасы эсади. Сокинлик, тантанавор соқинлик...

Черазалари ланг очиқ синфларда алламаңалгача шарык учмайды. Катта ёшдаги үқувчилар күзи хатда: Ҳарф уриштириб, ҳижжалаб үқииди.

Мактаб ҳовлисіда хүшқомат, калта кузалган ияк соқоли тұлача юзига ярашган, құшбурун, пешанаси кенг, қора лас камзул кийған киши аста, гүё сайр қилиб юрибди. У дераза олдіда тұхтаб, хиёл қулоқ солиб турді да, бир нимадан таъсирланды шекилли, хүшнуд жилемшииб, яна ұша зайлда аста юрди. Ұнинг назаридә, бүиёд бұлғандан бери қишлоқ бунақанги тантанавор тус олмаган, одамлари илмга бунақанги қовушыб ёпишмаған; уларни маърифат нурига чанқоқлик, даштда унған тіңдік томчига бүй өзганидек, ташналик қовуштируди.

«Бу илк нишона ҳали, — күнглидан ўтказды Шароф дәмла.— Ұнинг зиёси энди ёйлади, олам мунаввар бүлади!..»

Ұнинг қадами яна ҳам секинлади. Ел ҳам гуллар ҳиджинни таратиб аста эсарди. Оқшом бахмали тобора қулоқлашади, сокинликни кучайтиради, қуриқлайди.

У яна дераза олдига қайтди. Құкрак чұнтагидан күмеш соатини олиб, қопқоғини очди, соат «чиқ-чиқ» юрарди, ёруғлиқка тутиб қаради, ёпи чұнтагига солдиди, дарвозахона ёніга бориб, чеккароқда, сада тағида турди.

Дарс тугади. Китоб-дафтарларини құлтиқлаб үқувчилар тапира-тупур чиқа бошлашди. Булар ҳануз құлиға қалам ушламаган, хатта тикилмаган кишилар әди. Үларнинг баъзилари дастлабки ютуқларидан, күзлари хатта ўтадиган бўлиб қолганидан суюниб, мактабни «муъжизахона» деб таърифлашса, баъзилари «калла иш-

ламаганидан, зеҳи тұмтоқ бұлиб қолганидан» ағасусларниша-да, ақаллы номларини ёзадиган бұлиб олишса, шунга шукур қилишларини айтадилар. Аммо ҳеч ким шу иш чакки бүляпти, энди мулла бұлиб нима қилардым, юрт сұрармидим, демайды.

Үқувчилар күчани хушвақт күлгінде тұлдириб тарқалишиди.

Шароф домла жуда енгил тортиб кетди, қарилек гүё чекинди, үрнини толиқиши, тиним билмас навқирон күчтегенде бұшатиб берди.

— Шукур! — у күксини тұлдириб нафас олди.

У гулзор йүлкаларыда яна хийла саир қылди, кейин идора сари юрди. Қизиқ, рұпарасида момоси, косасига чуқур ботган күзлари йилтиллаб, гүё: «Олиб чиқибсан-лар-да, болам, үша чироқни», дерди.

Норжон кампир, Шарофнинг катта бувиси — қишлоқ да әңг үзүн умр күрган кексалардан бұлиб, ажайиб әртакларни күп айтиб берарди. Болалигіда күп әнтиктирган, кейин, бора-бора, уни күп интилтирган бир әртак ҳали-ҳали әсідан күтарилемайды.

— Саттор тоғнинг ортида, Бобо тоғнинг күксіда бир фори азим бұлармиш, — деб бошларды кампир әртагини оқиста, товуши хиёл қалтирад, сирли, жуда сирли әштиларди Шарофға, у күрпадан бошини чиқарып, болишини тирсаклаганича, күзлари ёниб, юраги дук-дук уриб, үқтін-үқтін хұрсииб қулоқ соларди. Кампир қоронғилик қаърига тикилиб үтирад, бола әнтикиб әртак давомини кутарди. Неча бор әшитгану гүё янги, уни сеҳрлаб құяверарди.

— Ичкаридан-ичкари үймеш ичи, — давом этарди у, товуши яна ҳам сирли оқанғ оларди. — Әңг охиріда бир уй бормиш, жудаям катта, — у яна тин оларди. Бола яна әнтикарди. — Шунисіда бир чироқ ёниб турармиш, олиб чиқылса, түнни кундуз қилиб юборармиш...

Кампир индамай қоларди. Бола тоқатсизләниб сұрарди:

— Одамлар нимага олиб чиқышмайды үша чироқни, буви?

Кампир милтиллаб уча бошлаган қора чироқнинг пахта пилигини сал чүзиб, сұхтасини туширади, ёруғлиқ зулматни хиёл құвар, кампирнинг буриш-буриш ажинлари, оппоқ сийрак соchlари, девзира гуручдай тишлиари күринар, унинг үзи ҳам сирли түйиларди болага.

Бу эртакни у ҳам болалигига момосидан эшитганми еси үзи түқиганми ким билсин? Шароф ғори азимда уни чироқнинг борлигига ишонарди. Қампир тун қаъридан куз узмай давом этарди:

— Олиб чиқишилмайди, болам. Қаттол дев бошқа бир тоғни кўчириб келиб, ғор оғзини беркитиб ташлағаи...

Эртак шу ерда узиларди. Шароф Момосининг эртакларидаги паҳлавон бўлиб тонг отгунча Қаттол дев билан олишиб чиқарди.

...Ногоҳ ҳаёlinи қамраган бу хотира таъсирида домла жилмайиб қўйди. Ҳар қалай, олиша-олиша улар Қаттол девни енгдилар, чироқ олиб чиқилди. Тун кунга айланди. Мунаввар нур халқи бораётган йўлни ёритиб турибди.

Одам баъзан ўтказган умри, босиб ўтган йўлидан ўзига ҳисоб беради. Шароф домла ақлини таниб ўзини халқ маърифатига бағишлади... Кейин унинг юртида инқилоб ғалаба қилди, замон янгиланди. Депарада биринчи совет мактабини Шароф домла очди. Мактабдан уйига қайтадиган ҳар болани у чароғбон ҳисоблади. Кейин бошқа қишлоқларда ҳам мактаблар очилди. Қўшбулоқ мактаби янгиларига таянч бўлиб қолди. Шундан бери Шароф домла ўз мактабигагина эмас, бошқа мактабларга ҳам маънавий жавобгарлик ҳисси билан яшайди. Шуни назарда тутибми, халқ маориф бўлими атроф қишлоқлардаги мактаб муаллимларига усул-таълим программаси ва қўлланмаларни тушунтиришни тажрибали муаллим Шароф домлага юклаган. Эртага дам олиш куни. Бу ерга ёш, тажрибасиз муаллимлар йиғилади, домла улар билан ўқитиш усули тўғрисида машгулот ўтказади.

Домла бу йил республиканинг бир ёшга тўлиши шарафига депарада биринчи бўлиб янги ташаббус бошлади: Қўшбулоқда саводсизликни битириш мактабларини очди. Бу ишга саводи яхши, тийрак шогирдларидан учтурт болани жалб қилди.

Домла стулга ўтирди, кўзойнагини қизил чарм гилюфдан олиб артди, уни шошмай тақди-да, кўк муқовали дафтарни очиб, кўз югуртирди... Ҳали замон кенжা муаллимлар — домланинг шогирдлари югуришиб келади, эрталик программаларини кўчириб олишади... Кейин қандай ўқитганларини, ўқувчилари билан нималарни

таплашганларини домлага суюниб, ҳаяжонланиб ҳикоя қилишади; устоз гоҳ мароқ билан кулиб, гоҳ ўйланиб эшигади...

Даҳлизда енгил қадам товуши эшитилди, кейин эшик аста чERTИЛДИ.

— Кираверинг, — деди у хатдан бошини кутариб.

Олдинда Мұytабар, кетида узун эски паранжи ёпинган, ситилған чиммат тутган аёл кирди. Домла ер тагидаи үнга разм солди. Сиртдан қараганда қашшоқ бир аёлга ўхшайди. Лекин оёғида янги кавуш-маҳси, шойи күйлак устидан йўл-йўл бекасам түн кийган. Домла «ни ма сир» дегандай Мұytабарга қаради. Мұytабар аёлга: «Мен сизни ташқарига кутиб тураман» деди-да, чиқиб кетди. Шароф домла аёлга қараб:

— Бизга гапингиз бормиди, синглим? — деди аста, мулоийм товуш билан.

— Мен... Носир бойининг...

— Хўш, хўш, қулоғим сизда, тортина май гапиравенинг.

— Қизлариман. Отим Нозима...

— Қизи? — ҳайрон, суради домла.

— Кенжә қизлари бўламан... Кейинги хотинларидан... биларсиз девдим.

Шароф домланнинг рӯнарасида катта аёл эмас, ҳали йигирмадан ошмаган келинчак турарди. У Нозимани биринчи бор куриб турибди, аммо унинг онаси Қорасочни биларди. Қоронгибулоқ маҳалласидаги Шокир деган аравасоз устанинг қизи эди. Нозиманинг бу ногоҳ ташрифи уни ҳайратга солган, айни вақтда, эски ярасини тирнаган, кўнглининг аллақаерида чўкиб ётган энг аламли ва азиз хотираини эслатган эди; у энди рӯнарасидаги ёш келинчакни унуган, иягини муштига тираб хомуш ўйларди...

Шароф устанинг катта қизи Қундузни севарди, Қундуз фақат уни дерди. Иккаласи севги ҳижрони ва машиқатли сўқмоқларини босиб ўтди. Лекин хушиуд ва бахтиёр кунлар узоққа бормади... Ӯшанда Қорасоч ҳали ўн ёшга тўлмаган қизча эди. Кейин уни Носир бойга иккинчи хотини қилиб узатдилар. Бой «Ўқлик ота»дан тўйга пирини таклиф қилган, шайх Шаҳобиддин Қўшбулоққа зинкран-само билан кириб келган, никоҳни маҳалла масжидининг имоми эмас, пирнинг ўзи ўқига эди.

Нозима ўша хотининг қизи. Бой уни яқинда эшиги-даги қароли Қурбонқулга берган эди. Бир хил одамлар бу бойнинг одампарварлиги» десалар, бир хиллари: «Бу бойнинг тулкалиги, ҳукуматга чап бермоқчи», дейишган эди.

«Қорасоч уни нима деб юборди, ярамни янгилашгами? Муроди нима буидан?.. Ё Нозиманинг узи келдими, нимага, нима гапи бор?»— У хаёлни зўрға жиловлаб олди.

— Ҳа, ҳа, биламан,— деди қўзғалган дардни ичига ютиб. — Онангиз, дадангиз тинч-омонмилар?

Нозима домланинг ҳаяжонини кўриб ҳайрон бўлди, гапининг учини йўқотиб қўйди:

— Ундоғ бўлса... маслаҳатга келувдим,— деди ахири.

Уни утқазиш домланинг эсига энди келди, Нозимага стул кўрсатди, у омонатгина ўтирди.

— Гапиринг, гапиринг, қулоғим сизда.

— Дадам аямга айтибдилар,— деди Нозима энди дадилланиб. — Анулар билан манга («санулар» деб эрини айтади)... тағин боғбон кишига, бошқа қаролларига ҳам ер, боғ васиқалатиб берармишлар. Нимага-я, мулла почча? «Даданг узини қўйгани жой тополмай юрибди», дейдилар аям. Чиндан ҳам тоби йўқ одамга ўхшаб юрибдилар. Қўрқянмиз...— у яна жим қолди.

«Талваса»,— деб ўйлади домла мийигнига кулги югуриб.

— Қулоғим сизда, қизим. Гапираверинг.

Нозима гапида давом этди:

— Кейин, қолган ерларини ҳукуматга топширармишлар... Эшон дадам изн берибдилар.

— Васиқалатиб берса берсин... майли,— деди домла ҳамон бу макранинг тагини ўйлаб.— Эшон дадангиз ўйларингизга тез-тез келиб турадиларми, қизим?

— Ҳа, келадилар, ҳар замонда, кечаси келадилар. Авахтадан чиққан Шодмон ҳам келади. Аям жуда қўрқяптилар. Кечаси, дадам йўғида ёнларига ойболта қўйиб ўтириб чиқадилар.

— Қурқманглар, сизларга ҳеч нима бўлмайди, дадангизга ҳам.

Нозима қўзғалди. Домла ҳам турди. Бирин-кетин даҳлизга чиқишиди.

— Келганимни ҳеч ким билмасин, жон мулла почча.  
Кўрқанимиз, — деб қўшиб қўйди у.

— Кўрқманглар, қизим. Хотиржам ўтираверинглар.  
Ҳа, айтмоқчи, сизни аянгиз юбордиларми менга?

Нозима бир нафас ўйланиб турди-да:

— Ҳа... Мұтабархонга әргашиб келдим, бизни үқитади,— деди.

Мұтабар билан Азиза шу ерда, Файзула ва Муроджонлар ҳовлида кутиб турған эди. Домла уларга Нозимани боғ әшикдан чиқариб кузатишни, программа-ни әртага күчириб олишларини тайинлади.

Тун қора баҳмалини ҳамма ёққа ёпиб олган эди.

## II

У идорага қайтиб кирдию, бушашиб стулга ўтирди. Иягини стол зийига тираб олди, хаёлини юракни зирқи-ратадиган оғир хотира етаклаб кетди.

Рұпаратасида Қундуз туради. Чарос кўзларида гам ёши, тим қора соchlари паришон: «Мендан кўнглинигиз тўқ бўлсин, домлажон. Мени десангиз ўзингизни асранг, қочинг бу аждаҳолардан...»— маъюс, ҳазин ёлворувчи товуш қулоғида аниқ такрорланди. Ички титроқ зарби уни тебратди, лаблари пичирлади:

«Мени қутқардингу ўзинг тушдинг аждаҳолар домига, алам-дард қолдириб кетдинг менинг қалбимга...»— У яна тебраниб бош кўтарди, мижжаларида ёш қалкирди.

Хонага Хайрулла Муродов, Қобил Ҳасанов ва Қарим полвон кирган, учаласининг кўзи домлада, жим, оёқ учида туришарди.

— Бемаврид келибмиз, кечириңг, домла, — деди Қобил хижолат чекиб.

Домла индамади, лекин бу алам ёшини ҳозир улардан яшишмади.

Хайрулла Муродов кириб келганликлари айни муддао эканини тушунди. У партия-совет ходимларининг Самарқандда очилган семинар-курсидан энди қайтган, вилоят, туман ташкилотларида бўлиб, қишлоққа янги вазифа билан келган эди. Домлани кўриш, марказ ҳам вилоятдаги янгиликлардан, бу ерда бугун-эрта бошлаш зарур бўлган янги ишлардан уни хабардор қилиш учун йўл-йўлакай партия ячейкасининг котиби Қобил

Ҳисинов билан қишлоқ Советининг раиси Карим полвонни эргаштирган эди.

— Андак хаёл олибди: қизиқ ҳол, баъзан тасодифий гибаб рўй бериб, забтига олганини ўзим сезмай қоламли,— деди домла туриб Муродов билан сўрашар экан.— Яхши келдинглар. Сизни боя Азизадан сўраб билган эдим, Хайруллажон. Боришга иш фурсат бермади, кейин бехосдан келган бу хаёл...— Унинг юзи хиёл сришди.

— Мен шеър хаёлидасиз, сочиб юбордикми, деб оёқ учидага орқага тисарилибман,— деди Қобил.— Одатда, шилигимда, эсингизда бўлса керак, дарё бўйида, баъзан кириб қолсан шу ҳолатда ўтирадингиз, оёқ учидага қайтиб кетардим, столга чойнак қўйиб кетганимни пайқамасдингиз.

— Тўғри, шеър ҳам дард, юракни тирнаб, ситиб чиқади,— деди домла илжайиб.— Энди сиздан эшитайлик, Хайруллажон, янгиликлар бизга кеч етиб келади, чанқоқмиз, шояд қонсак.

Муродов қуюқ қора мўйловини силаб, юзига мулоҳим табассум югуриб, оҳиста гап бошлади, домланинг кўзи унда эди: «Доимо бир одамга ҳам, юз одамга ҳам шу зайлда гапиради, товуши ўзгармайди, лекин сўзини ҳамма эшитади, отасига тортди».— Муродов яқин кунларда вилоят ва туман миқёсида ер-сув ислоҳоти комиссиялари тузила бошлишини, ўзи Қўшбулоқда шу ишга масъул бўлишини айтди.

— Вазифа нозик,— деди Муродов.— Ҳа, айтмоқчи, ёсимдан кўтарилибди, кеча туман фирмә қўмитасининг бюро мажлиси бўлди. Бунда қишлоқ хўжалик рўйхатини пухта утказиш масаласи кўтарилди. Бу рўйхат молия ташкилотларининг одатдаги солиқ рўйхати эмас. Буни ислоҳотга тайёрликнинг бошланиши, деб қараш, бойларнинг, айниқса катта бойларнинг ер-мулк, борлиқ моли турлари билан рўйхатга олиниши кераклиги уқтирилди. Ўртоқ Эргашев сизга салом топширишни, комиссияга сизни киритишни менга тайинлади. Туман фирмә қўмитаси бизнинг Қўшбулоқда ўтказадиган бу ишимизга алоҳида эътибор бермоқда. Инқилобдан кейинги тин олишини ўзича тушунган, «хатар ўтди, замонимиз қайтади», деб билган бойлар ислоҳот дарагини эшитиб, питиллашди. Ҳозир биринчи навбатдаги вазифамиз бойларнинг рўйхатда бизга чап бериб, ер ва мол яшириш-

ларига имкои бермаслиkdir. Бюро қарорида, коммунистларнинг халққа садоқати бу ишда яна бир марта имтиҳондан ўтади, деб таъкидланди. Бу ўзимиз ҳали солиб кўрмаган, дечқон босиб ўтмаган йўл, домла. Бу ишда ҳам қоқилганда қўлтиқлашингизга муҳтожмиз.

— Мен бўлис ижроқуми раисидан кўпроқ чироқ, лампа мой ва пилик талаб қиласман, деб турсам, сиз бизга қўшимча иш олиб келибсиз,— деди домла енгил кулиб. — Бу сираси гап. Бою эшонлар ҳукуматнинг бу тадбирини биздан олдин сезиб, изғиб қолишибди. Мени забтига олган хаёл сабабининг бири шу эди.— У бир оз ўйланиб қолди.— Ажаб бир сир... ажаб бир жумбоқ. Нима бу, дengлар-а? Боягина менинг олдимга Носир бойининг кенжә қизи — Нозима кириб келди. Қўзларимга ишонмадим.

Домла воқеани уларга гапириб берди. Муродов: «А!..»— деб юборди. Карим полвон нимагадир индамасди. Домлани изтиробга соглан бу дард сабабини Қўшбулоқ ёшлири билмас, хабардор қарияларнинг кўпи бу воқеани аллақачон унтиб юборган эди; бу воқеа шу тобда Қобил Ҳасановнинг ҳаёлига келмаганди, шунинг учун: «Бу хил ташвиши билан кимлар келмаяпти, келса келибди-да, бунчалик эзилишга нима ҳожат?» деб ўйлади. Лекин кўнглида туғилган бошқа бир фикр уни ҳайратга солди:

— Йўғ-э!.. Ақлимга сиғмайди, нега қизи?

— Кимлигини билганимда шу савол дарҳол менинг кўнглимда ҳам туғилган эди,— деди домла.— Лекин унинг гапини эшитгач, кўнглимни бошқа савол безовта қила бошлади...

Хайрулла Муродов домлага савол берди:

— Анави қаролига берган қизими? Уни ким ўқитади?

— Мұтабар, танийсиз. Наманганда қолиб кетган Мирмаҳмуднинг қизи. Отаси бир пуллик одаму қизи унга тортмаган, бамаъни бола.

Нозима «жумбоги» Қобилининг ҳаёлини чуқурлаштириди: «Бой қизининг ўқишига қаршилик қилмади, ҳатто ўзи бош қўшди. Аммо тақдирини энди ўз қулига олган камбагал хотинини ва қизини ўқитишга қарши. Ечиш, тагига етиш зарур бўлган жумбоқ шу эмасми?»

— Нозимани юбортырган катта шайх әмасмикин? Бойнинг бирдан-бир маслаҳатгүйи үша-ку. Бу эшоннинг ҳийласи әмасмикин?

— Менинг күнглимдаги савол бошқашароқ: шайх Шаҳобиддин бойникига яширин келиб-кетишни нега бизга сездиради? Ё бизни чүчитмоқчими? Ундоғмасдир. У нодон одам әмас, ақлли, айёр.. — домла жим қолди. Ҳасанов ҳам.

Хайрулла Муродовнинг хаёли ҳам шу чигални ечиши билан банд эди: маданий юриш қишлоқда юз берган сұкутни бузиди, үз рүзғори биланғина овора бұлған дехқонларни силкитиби, баъзи нодон, жохил кишиларни ҳисобға олмаганда, улар үз деворларидан нарига күз таштай башлабдилар; ваҳимада қолған бойлар, ташвишга тушган шайху имомлар томири зирқирабди..

— Яхши,— деди у, үзига хос оҳиста товуш билан.— Яхши, писиб ётганидан юзага чиққани, изгиганини күрсатгани яхши. Хотин урган құл батракники әмас, пирипинг құли эканини и себотлаш, фош қилиш керак. Шунда камбағал пиридан қулинни қайтиб олади, бошқалар пирпинг башарасини яққолроқ күради. Бу биринчи. Иккинчиdan,— деди у Ҳасановга қараб,— биласизки, бүшөфочни құрт ейди. Улар одамнинг бүштоб, ғурини таңлайди. Бундай одамни авраш, етовга юргизиш осон. Етовга юрдими, күзини боғлаб, қулига пичоқ туттирадилар; бу ёғи ҳеч гапмас, у пичоқни үзига урадиу, күзи очилади. Улар бизни шу гавгога үраб құядилар, йүллимизгағов ташлайдилар-да, үзларини четга оладилар.

Улар узоқ гаплашдилар. Күнгилларида қайнаган қувонч айни вақтда хавотирга эшик очиб берар, янги фикр, хаёл құзғатарди: қишлоқ аҳли саводхон бұлишга бел боғлади. Яхши. Аёл кишининг үқишига бұлаётган қаршилик катта түсіқ әмас, уни йүлдан олиб ташлаш иисбатан осон. Аммо аёлнинг үқиб күзи очилади, күзи очилғандан кейин үзининг инсонлик ҳуқуқини үз қулига беришни талаб қиласы. Хүш, үз тақдирига әнди әга бұлған батрак буни тушунадими? Бунга күнадими?..

Тик тураверіб оёғи толдими домла уларни ташқариға, мактаб боғчасынга башлади. Тун сокин, салқин, осмон қаърида юлдузлар мильтиллайди. Улар йүлкада оҳиста, жим юра башлайди. Тұрталаси ҳам қишлоқдаги ижтимоий күчларнинг ҳозирғи иисбатини, «тақдирини құлиға қайтиб олғанлар» иқболини үйлашарди.

— Биласизларми, айтсам сизларга ғалати туйилар, балки, --- деди у. — Баъзан дилни ғашлик, ғусса тирнайди... кексалик ҳисеп устин келадими... бундай дамларда мактабдан, үсмирлар орасидан кетолмайман, жилсам, ғашлик дилни ёргудай бўлади. Улар орасида ғусса қочади, уларишнг гаплари, кулгиларида, ишқларида ҳам ғубор йўқ. Ғашлик, шошқинлик чоғларингни эслатади; мажбурият тақозо қилдими, биз үсмирлардан бир нечасини ёш, ғур, тажрибасиз демай, катта ишга, ота-оналарни, опаларини ўқитишга тортдик, улар буни сезмай, ўз нокиза ва маъсумликлари билан хонадонларга, хусусан, аёллар қалбига ёруғлик олиб кирдилар.

Домла сокин туи осмонига қараб тин олди. Осмонда юлдузлар мижжа қоқади. Уларга болалик, ёшлигидан бери тикилади у.

...Ховли тор, гувала девор шаббодага иҳота бўлганидами ё ўрганиб қолганмиди — нимага? — эслаёлмайди, ҳарқалай, баҳордан кузгача Шароф кечалари томда чалқанча осмонга қараб ётарди: юлдузлар, сон-саноғи йўқ, юлдузлар, гўё уни имлашади. Думли юлдуз учиб, узун из қолдирганча аллақаерда гойиб бўлади; ой оппоқ, тепасида тўхтаб қолгандай... Анависн Ҳулкар, Зуҳро, Беш оғайни, Етти қароқчи, Олтинқозиқ... — пичирлайди Шароф. Ҳамма ёқ жимжит. Қайсиdir ҳовлидан чақалоқ йифиси, бедор онанинг уйқусираб бешик тебратиб, айтган алласи эшитилади: «Алла, алла қилгин алла... арслон болам алла...» Бола ухлайди, онанинг алласи сұнади. Пастдан, дарча ва эшиги очиқ уйчадан чиққан бўз дўкони тепкисининг ғич-ғичи, мокининг «шиқ-шиқи» кўнглида маъюслик қўзғайди; дадаси — эртага бозор, бўз тўқиляпти. Аллақаерда кўппак ит тунни ларзага келтириб вовиллайди, ён ҳовлида от беда картиллатиб пишқиради; қуноқда хуроз қичқиради... Булар Шарофга ҳузур бағишлийди, унинг хаёлинин ўзи билмаган, кўрмаган олисларга олиб кетади. Аммо ярим кеча бўлганда, Таслим қўйфуруш қўй бўлиб маърайди, ҳўқиз бўлиб бўкиради, от бўлиб кишинайди. У шол бўлиб, уйида ётиб қолган, одамлар уни «ҳайвон жини чалиб кетган», дейишиади. Шароф бу овоздан қўрқади, кўрпага бурканиб ухлаб қолади... Эрталаб қўёш гардиши чўғдай яллиғланаб куринганда, у кўзларини ишқалаб-ишқалаб фоз туради; икки ёқасида малла тепалар девор бўлиб юксалган яшил водий узала ётади; ўрталиқда кумуш сирти

пәннелаб сой оқади. Шароф түйіб-түйіб тикилади-да, приб тушиб булоқ бүйнга бет ювгани югуради. Бу бодалык. Кейин ёшлик, йигитлик даври... Нималарни күрмади бу бош! Аммо у қайси эл, қайси юртда бошпона тоғасын гұлахлық, муаллимлик қылса, ҳатто мансабдор бұлса ҳам, шу водий күз олдидан нари кетмади, уни согниди, ҳижронда ўртанди. Щзи ҳайрон, күнгли қаърида қолган үша аламли дард бугун яна қалқиб уни ларзага келтиреди...

— Ватанни тилга олдингиз, Хайруллажон. Унинг изизлиги ва буюклигини мен ватандан ғироқ кетишга мажбур бұлғанимда, унға муҳтожлик дардини тортғашымда билған әдим. Муҳтожлик, айрилиқнинг ҳеч бири иисон күнглини бу қадар вайрон қылмайди. Үшанды үзим ёш, соғман, юртма-юрт кезаману қүнгил бүм-бүш, куну тун йиғлайди, муттасил оғриб йиғлайди; күнгилни тинчтиш, таскин беріш учун күз олдымга ватангадо бұлған улуғ зотларни келтирар, Мирзо Бобирни эслардим, унинг үзи, авлодлары үтган жойларга борар, улар бино қылдирған сарой-кошоналарни томоша қылардим, томоша қылардиму күнгилга у битиб қолдирған байтлар келарди:

Уз ерни қүйиб, Ҳинд сори юзландым,  
Ераб, петайни, не юз қаролиг бұлды.

Ҳиндистон подшосиннинг шу юрак йиғиси қулоғимда бетиним жарангларди, юрак баттар бетоқат бұлыб титтарди, бегона юртда құним тополмай қолардим. Биласындарми, күз олдымга Құшбулоқ, унинг күкаlamзор майдонлари, юксак тоғлари келарди; ионб, туралы мингбошилар, әшону аъламларнинг оёқлари тағига қарамай, гердайиб юришлари; букчайған, пажотға күз тиккан чолкампирлар күрінарди; назаримда, сой суви шарқыраб оқищдан тингану шағалқымга сингиб бораётгандай, ўрик-олмалар шохида меваси билан қуриб қолаётгандай, қызлар, менинг Қундузим — булоқлар сувига құллари етмай, соч ёзиб шиглаб үтиргандай... Хавф-хатар, қамоқ, үлим ҳам күзга күрінимай, ватанга пұл олардим. Бу ерда яна әшону бойлар билан олишардик, шайх Шаҳобиддин мени имонсизликда айбларди, мен дердим: «Менинг имоним маҳкам, бу юртим, халқым»...

— У күнлар орқада қолди... Эпди улар эмас, юртда халқ ҳоким. Үнинг амрини бажарадиган күнлар келди. Шукур...

Хайрулла Муродов домланинг сўзларида умридан қоинқиши, мамиунилик оҳангини эшитди, Қарим полвон билан Ҳасанов: «Доимо иш билан куйманиб, жим юрадиган одам бугун нимага бунчалик тұлқынланди? Сабаби нима?— бойвучча, қизнинг түйқусдан келганими ё шайх билан бой инида типирчилаганими? Нима?..» деб уйларди.

### III

Муроджон ҳали овқатини еб бўлмаган, Жавҳар кампир айвон дамида чўпга латта ўраб, чироқ шишасини артиб ўтирган эди. Тап-туп юриб Файзулла кириб келди. Кампир бошини кутариб унга қаради: шу күнларда у катта йигит бўлиб қолгандай, юзида гурур, айни вақтда ҳаяжон сезиларди. «Булар тез улгайди,— деб ўйлади кампир.— Булар ёшида кўча чаңгитиб югуришарди йигитчалар, ярим кечагача эшак минди ўйнарди. Булар нимагадир бошқа...»

Улар ўқувчигина эмас, муаллим ҳам; кундузи ўзлари ўқийди, кечқурунлари маҳаллаларга бўлинниб катталарни ўқитади.

— Мунча чимтомоқсан, бўлсангчи тезроқ!— деди Файзулла Муроджонни қистаб.

— Файзулла,— деди кампир,— мундоғ қарасам, улгайиб қолгандайсану ўйинга юргургандай шитоб қиласана, Домла деган сипогина бўлиб юради. Санга доим югуриш бўлса...

— Ишимиз шитоб, ача. Биз хотинлар йигилмасдан стиб боришимиш керак. Муаллим олдин бормаса, уларнинг кўнгли совийди. Домла шундоқ деб ўргатганлар. Үидан кейин Мурод иккаламиз отряд бошлигимиз...

— Нима, пима,вой тирмизаклар! Санлар-а?— кампир ҳайрон бўлиб қолди.— Ҳали милтиқ ҳам тақадими сапларга? Шароф домланинг ишими бу?

Кўз олдига инқилоб бошидаги қизил соқчилар келди, шундан ҳайрон бўлди, ҳатто чўчиди. Муроджоннинг дадаси отряд бошлиги эди. Босмачилар билан урушда ўққа учган...

Файзулла қаҳқаҳлаб юборди.

— Йүқ, ача,— деди кулгидан тұхтаб,— биз мильтиқ тақадиган отряд эмасмиз. Биз маданий юриш отрядла-римиз, ҳар куни бориб үқитяпмиз-ку.

— Үзимиз домламиз деб құяқолсанғ-ку үтакамни ёр-масдинг. Сан тирмизаклардан сабоқ олиб, отинбиби бұ-луб кетармикин үша хотиплар. Домлаларингга ҳам ҳай-роиман, сапларга шу ишни құшыган. Нима, эсінни еб қўй-таними?

— Йүқ, ачажон, домлаларимизнинг эслари жуда бу-туи, шунинг учун бизга бу ишни тоңширишиди. Үпдан ке-ни, ача, саводсизлик бойларга үхшаш душман, уни тез тугатиши керак; бұлмаса одамларнинг күзи очилмайды.— Файзулла домла билан Хайрулла Муродов айтган бу сұзларни үзиники қилиб айтди.

— Нима дедиң? Душман?!— кампир яна хайрон бўлди.

— Ҳа, душман— деди Файзулла.— Хайрулла тоғам билан домла бизга шуиндоқ деб үргатдилар, биз ҳам шундог деб тушунтиряпмиз. Эсингиздами, үзингиз ай-түвдингиз-ку, ман нимаю күр нима, хатни кўрган билан танимасам деб...

— Шошма, шошма, Файзулла,— деди кампир унинг сұзини олиб.— гапнинг жуда узайиб кетди. Ҳа, айтганман, тоңмайман. Саводсизлик душман, деб мирзанинг үзлари айтдиларми?

— Ҳа, айтдилар. Ишонмасанғиз үзларидан суранг.

— Яхшилаб үқиб олдиларингми гапларини? Мирза-нинг гапидан адашманлар. Худоё оти үчсин үша са-водсизликни!..

Саводсизлик душман деган сўз Жавҳар бувининг қу-лоғига ғалати, эриш эшитилган эди. Агар, Файзулла Хайрулла тоғам айтдилар, демаганида, у «саводсизлик-нинг душманлигини», ҳам, уларнинг муаллимларини ҳам тан олмасди. У тўғри, бамаъни, одамларга керакли гапни мирза айтади, деб биларди.

Муроджон кийиниб чиқди. Файзулла кета туриб кам-пирга яна сўз қотди:

— Сизга бир илтимосимиз бор, ача,— деди у жил-майиб,— энди бизни тирмизаклар, деб камсигтманг. Үқувчиларимиз эшитиб қолса кулишади. Биласизми, ача, улар бизни «муаллим болам», «муаллим ука» деб чақиришади. Сиз булсанғиз, бизни нуқул...

— Хўп, хўп, айтмайман,— деди Жавҳар кампир,— аммо домла деган керилмайди, кичик феъл бўлади. Бу қулоқдан кириб, у қолоқдан чиққоб кетмасин, йигитчалар.

Йигитчалар кўчага чиққанда қоронги тушган, жимжит эди. Мурод Файзуллани тұхтатди.

— Боя бизникига Мұътабар келувди. Бирга дарс тайёрладик. У кунги жувонча эсингдами? Кузатио қўйдик-ку? Бойнинг қизи экан ўша.

— Қизиқ ҳангомалар!— деди Файзулла.— Бойвуччаларни ҳам ўқитяпмиз де ҳали?

— Ўша бойвучча: «Мани ўзингизни ўқитадиган домлангизнинг олдига бошлаб боринг», деб ялинган экан...

— Мұътабарга айтмабдими гапини?

— Айтмабди. Домланинг ўзи билан якка гаплашди-ку. Үнга айтгандир.

— Отаси ё эридан арз қилгандир, ўқимайсан, деб урган бўлса.

— Милиция идорасига — Васька тоғанинг олдига бормайдими, арзи бўлса, нима қилади домланинг бошини оғритиб...

— Қайдам,— деди Муроджон.— Биласанми, шу бойвучча бугун Мұътабарларнинг уйига келибди. Уйларига чақирибди, ўртоқ бўлинг ман билан деб...

— Сан нима дединг?

— Борманг, олдин домладан сураш керак,— дедим.

— Қизиқ ҳангомалар,— деди Файзулла кулиб.— нимага бунча индамас булиб қолдинг, десам, отинчанинг ташвиши билан бандман де ҳали?

— Йўқ, бунга эмас,— деди Муроджон. У юрмоқчи булиб ўнг оёғини кўтарган эди, чап оёғини қўзғатолмай мункиди, Файзулла этигининг тумшуғини аста босиб турган эди.— Хўп bemaza қилиғинг бор-да!— деди у жаҳли чиқиб.

Файзулла қаҳ-қаҳ отиб кулганича ўртоғининг биқинига туртди. Үнинг бастини кўрган одам ўн тўққизга энди тўлган бўз бола демайди. Қизиқ, мактабда ҳам, кучада ҳам шу: тенгқурларини бехосдан чалади, биқинига туртиб ўтадию, ўзи кулиб-кулиб узр сўрайди. Аммо қувноқ, тантি бола...

Аяси вафот этгандан кейин Муродни ғам эзиб қўйай деди. У ўртоқларига қўшилолмай қолди. Ӯшанда Муроджонининг кўнгил чироғи учган, тошдек бир нима юраги

ишига чүккан, йиги ҳам, күнгилги ҳам күнгилпга сиғмасди, шу тошга урилиб қайтаверарди. Бир куни Файзулланың дадаси Карим полвон Жавҳар кампирни кўриш учун Норқишлоққа борди, болани бу ердан тез олиб кетишни, яниг болалар тұдасига қўшишни маслаҳат берди. «Гапимга киринг, опа, бу уй бола учун ғамхона, уни очиқ чөхралар қутқаради», деди кампирга.

Мана бир йил бұлды, Файзулла Муроджонни ёнидан қўймайди.

— Кечир, оғайни,— деди у Муроджоннинг биқинига нўқиб,— сани бир силкитги келди. Бұлмаса, оғайни, борган сари ичимдагини топ бўлиб боряпсан. Ажаб ҳангома,— деди Файзулла яна.— Бизнинг Кумушбибидан чакки муаллима чиқмайди дейман. Бойнинг инига чангал солса-я. Аммо, Мурод, эҳтиёт бўлиш керак.

— Отабек Кумушини ҳимоя қиласди, узинг ҳўшёр тур,— деди Муроджон секингина.

— Нимага энди унинг Отабеги сан эмасу ман? Биласан-ку, ман Азизани яхши кўраман, буни ўзига ҳам айтаман, ҳатто дадамданам яширмайман. Сан бўлсанг кўнглингдагини ўзингдан ҳам яширай дейсан. Ё писмиқмисан, оғайни?— Файзулла унинг биқинига яна туртиб қўйди.— Нимага даминг ичиннга тушиб кетди?

Муроджон индамай, битта-битта юра бошлади. Кўнгил ғашлиги қўзиса, у болалардан ўзини четга тортади. Ана шундай дамларда Муътабар унинг ёнида парвона бўлади, ўзи китоб ўқиб, уни эшлишига ундайди, баъзан: «Сиз жуда чиройли ўқийсиз, Муроджон ака», деб унга китоб тутқазади-да, унинг қўзига тикилганча жим қулоқ солиб ўтиради. Муроджон, манга раҳми келяпти деб ўйлаб, олдинига унга рўйхущ бермади, ҳатто ёмон кўрди. Бора-бора, Муътабарни кўрмаса, у келмаса, излайдиган, ҳатто уйларига борадиган бўлди.

Файзулла Муроджонни маҳкам қучоқлаб олди-да, ҳиринглаб кулди.

— Мунча кулласан?— деди Мурод ерга қараганча.

— Нима, кулмай, йиглайми? Мунча ерга қарайсан, қиз болага ўхшаб?.. Муътабар шу кунларда ўзини Кумушга қиёс қилиб юрибди. «Ўтган кунлар» қўлидан тушмайди. Танаффусда ҳам синфда қолиб ўқийди. Разм сол-а, атлас кўйлагини кийиб келганида, худо урсин агар, Кумушга жуда ўхшайди. Сизни бирга кўрганда болалар, Кумуш билан ~~отабек келяпти ўчишишади~~

ган бўлиб қолди, оғайни. Буни Муътабар ўзи эшиштмайди, билмайди дейсанми? Ўзингни гўл тутаверма, бўлмаса, Ҳомид илиб кетади уни.— Файзулла Муроджонни яна нуқди.

— Бу ганини қўй, оғайни. Кўнглимга сиғмайди ҳозир,— деди Муроджон, муйилишда тўхтаб.

— Нима бўлди тағин?

— Ҳеч нима. Мавлуда опа уқишга келмай қўйди.

— Кириб хабар ол, тоби бўлмай қолгандир.

Муроджон Булоқбоши кўчага бурилди. Файзулла: «Мани мактабда кут», деб Фортепа маҳалласига йўл олди.

Муроджон Исоқнинг кўча эшигидан кирдию, айвон дамида тўхтаб қолди. Пешайвон туридаги сўрида, дастурхон ёзуғлик, товоқдаги ошга қўл урилмаган, сўри четида қўрқиб кетган уч яшар ўғилчаси Аҳмаджонни бағрига босганча Мавлуда тебраниб ўтирибди, онаси Maston хола айвон ўртасида йиғламсираб гапиради:

— Мўмин-қобилгини йигит эдингиз, жоҳилдан ҳазар қиласардингиз, сизни қайси шайтон йўлдан оздирди, Исоқжон, ўғлим?

Исоқ ранги ўчган, ўчоқ олдида туриб, Муроджонга таниш китоб-дафтарларни йиртиб оловга ташлар, эти суюғига ёпишган ёноги пир-пир учарди. Бундай мудҳиши манзарани биринчи марта кўрган Муроджон турган ўрнида донг қотиб қолган эди. Ахири у хушини йигиб олди. Нафрат ва ғазабдан титраб кетди:

— Бу нима хунар, Исоқ тога!?

Исоқ жавоб қилмади, унга ўгирилиб ҳам қарамади. Енаётган китоб-дафтарлар алангасидан куз узмас, алланималар деб пичирларди, холос.

Мавлуда Муроджоннинг кириб келганини пайқамаган эди, уни энди кўрди.

— Исоқ тоғангиз пирга қўл бериб келганлар, шунинг шарофатига бугун бизга зиёфат беряптилар,— деди. Товуши жуда маъюс эшитилди.— Пирга мурид бўлган одам мулойим, ширин сўзгина бўлиб қайтарди. Бу кишининг феъли айниб қайтди. Пир ўлсенкин хотин ургин, уйингни мусибатхона қилгин, деб ўргатган бўлса...

Муроджон бенхтиёр бозорбошига, мактабга югурди.

Илк баҳор, жума куни. Мавлуда бозордан бир құзичоқ сотиб олди. Жонивор әнді бир неча күнлик бұлған экан. Бирам жажжи, бирам чиройли! Паранжисиңнег ичига олиб, уйга күтариб келди.

Исоқ шом вақти даладан келиб, айвонда дикиллаб юрган құзичоқни күриб ҳайрон бұлды. Мавлуда әрталаб унга ҳеч нима демаганди. «Бой отам шішем қілғандыр бунни, худо күнглиға соглан бұлса...» деб үйлади Исоқ. Құзичоқнинг оёқлари, қадди, кулоқчалари ҳам узун-узун; йылтиллаб турған майин жуплари қопқора. Исоқ суюниб кетди.

— Ҳисор зотидан экан, зүр қүй бұлади,— деди у.

Эриннинг чеҳраси очилғанинни күриб, Мавлуда ундаи суюнчи олди:

— Бугун бозорга бордим, дадаси, куздаги чинақчиликдан қолған озгина пулға шуни олиб келдим...— Исоқ ялт этиб хотинига қаради, ҳайрат әнді уннинг борлигини қамраб олган экди. Мавлуда бучи пайқамади.— Аҳмаджонга атадим, құлинин ҳалоллайдыган күн келгунча катта қүй бұлади...

— Худо хоҳласа,— деди Исоқ. У хотинининг узоқни күзлаган тадбирига қойил қолған экди.

Мана үша құзи учинчи йыл боқиялған. Бұрдоқи қүй бұлды. Уннинг думбасини күтариб, құмалогини туширип туришади. Қелгуси ҳафтага улар Аҳмаджоннинг құлинин ҳалоллайдылар, қүйни сүйіб, маҳаллага түй берадилар.

Олдинги куни Исоқ ҳеч кимга ҳеч нима демай, қүйни ҳовлиға етаклаб чиқди. Қүй думбасини күтариб юролмас, ётиб-ётиб қоларди. Мавлуда, оғаннинг чигилини ёздиришга олиб чиққандыр, деб үйлади. Қараса, эриннинг авзойиң бошқача, қүйни күчага етаклаяпты.

— Ҳа, қаёққа? Сотиб бошқасини оласизми? Аҳмаджонга аталған экди-ку, дадаси,— деб сұради ундан.

Исоқ хотинига қовогидан қор ёғиб қаради:

— Аталған жойига олиб бораман!

— Ниятингизни бузиб, атоғини янгилабсизу шимага оғиз очиб ёрілмайсиз?—Мавлуда әнді күйиниб гапирдиди.

— Ниятимни сан бузиб құйдінг, тұртнинчилар<sup>1</sup> маз-

<sup>1</sup> Тұртнинчилар— Таъсис мажлисига сайловда «Мусулман мәжіяткашлары иттифоқи» тұртнинчі рұйхатга кириллігін большевик-лар ва уларнинг тарафдорларнан овоз берған экди.

ҳабидаги ўқишига кириб. Мани ҳам, ўзингни ҳам гуноҳга ботирдинг. Гуноҳимиздан ўтишни сўраттириб келаман.

— Ким сўраб берармиш?

— Пирим сўраб берадилар. «Ўқлик ота»га кетяпман. Исоқнинг галининг мағизини Мавлуда энди чақди. Ўғуриб келиб қўйнинг бўйнидан ушлади.

— Жон дадаси, қайтинг бу ниятингиздан,— деди у йигламсираб.— Наҳотки у киши шу қўйниг боришига қараб турган бўлсалар? Ишонгим келмайди. Бу ерда сўйилиб, худойи қилинди нимаю, тириклай элтиб берилди нима у кишига...

— Йўлимни тўсма, бадбаҳт, оғзимга ёмон гап келади!— деб ўшқирди Исоқ.— Худо кўнглигма солди бу ниятни, унинг хоҳишини бажо келтираман!

«Йўқ, бу ўзининг гапи эмас,— деб ўйлади Мавлуда.— Худонинг мўмин бандаси дейвериб миясини адоқилди имом!»— у тутақди:

— Худога тўнкаманг, Аҳмаджон, кечирмайди сизни! Бу ўз хоҳишингиз... йўқ ўзингизни бўлса, ҳеч нима демасдим. Сиз сингари «мўмин»ларни лақиљатиштапти. Сиз қатори «мўмин»лар пирдан қўлини қайтиб олаётгандা, наҳотки сиз...

Мавлуданинг юзига қаттиқ тарсаки тушиди. Мастон хола қизининг қўлидан ушлаб пешайвонга етаклади:

— Эркакнинг йўлини тўсма!

Исоқ қўйнинг думбасини кўтариб итарғанча кўчага зўрга олиб чиқди. Бой юборган аравакаш унга маҳтал турарди. Иккаласи кучана-кучана аравага аранг кўтариб чиқарди. Воқеани аравакашдан сўраб билган икки қўшни ёрдамлашмади, бир четда индамай қараб тураверишди. Уларнинг кўнглига нима гап келди, Исоқнинг бу билан иши йўқ эди. Улар эса: «Сичқон инига сигмайди, думига фалвир боғлайди», деб ўйлашарди.

Аравакаш отга қамчи босди. Исоқ жўнали.

Арава қишлоқ кўчаларидан ўтиб кетди, дала йўлини орқада қолдириб даштга чиқди. Исоқ қўйнинг чилвирини маҳкам ушлаганча тебраниб ўтирди, ҳеч ёқقا қарамади, ҳеч кимни, ҳеч нимани курмади. Миясида Мавлуданинг гаплари айланар, у билан олишарди. Шу мактабга бордю мияси айниди. Исоқ нима деса у тес-

карисиниң айтади. Бойни имомни ёмонлайди. Мана энди пирга ҳам тил тегизди. «Мүмнілар пирдан құлниң қайтиб олаётганды...» деди-я! Қайтиб олса, Исоққа нима? Исоқ гуноҳдан фориғ бўлиш учун боряпти. Аммо Мавлуданинг гуноҳини кечирармикин худо? Кечирмаса, Исоқнинг у билан туриши мумкини?..

Арава тошлоқ йўлда қалқиди, Исоқ бошини кутарди. Ҳамма ёқ дашт, нуқул тош, яккам-дуккам шувоқ бури тўкилиб чўпак бўлиб қолган. Йўлда ҳурпайиб турган тўргай безовта қилинганидан порози бўлган-дай алланима деб чулдиради-да, учиб кетишга эриниб, йўрғалаганча ўзини четга олди. «Оч бўлса керак, учишга мадори етмади, нима ҳам топиб ерди бу даштдан!»— деб ўйлади Исоқ.

Арава эски тошқўтон ёнидан ўтаётганды Исоқнинг кўзи қўй қийига тушди. Босилиб, чириб ётибди. Ташибилган билан адог бўлмайди. Токнинг жонини киритади. Қишлоққа қайтиб борганда бой отасига айтади. Ташибиниш керак буни. Исоқнинг отаси, узумнинг сараси, маъйизнинг сершираси менинг боғимда бигсни десангиз, бой, чириган қий келтиринг, дерди. Ток тагини очиб, эски девор кесаги билан қийни кўмарди. Бирам узум бўларди.

Исоқнинг эсида: отаси Қосим боғбон жуда кам гап киши эди. Кеч кузда, эрта баҳорда кўчат ўтқазар, ёз бўйи парвариш қиласарди; Носир бойнинг ўрикзор, олмазорлари ва токзорларини у бино қилган. Режа тортиб кўчат жойларини қазирди-да, пайванд ниҳолларини кўчириб келарди; хандақчага гўнг аралаш тупроқ солиб, ярим пақир сув қуярди, кўчатни Исоқ ушлаб турарди, ўзи тупроқ тортарди; кечқурун, кун ботганда янги боғнинг гоҳ бошига, гоҳ этагига ўтиб қаторларга разм соларди. Қейин: «Худо хоҳласа, бехато ушлайди» дерди, гоҳо Исоқ уни гапга тутаверса, у қовоғини солиб: «Гап билан қорин тўйғазмоқчимисан?» дерди. Исоқ: «Ота, қарисиз-ку, дам олиб-дам олиб ишланг, манам чарчаб кетдим», деса, у: «Майли, сан дам ол, ҳақинг бор, мани ҳақим йўқ», дерди. Исоқ ҳайрон бўлиб сўрарди: «Нимага, ота?» «Ман дам олсан, санинг ҳақинг йўқолади». «Нимага?» деб сўрарди Исоқ тагин. «Нимага, нимага! Нимага бўларди, дам олиб ўтирсан, ўзим катта қўлган дарахтнинг соясини ҳам кўролмайма». Отасининг юзига ўй чўкарди. Исоқ «нимага?» деёлмасди.

Арава қаттиқ қалқиди, бу сафар Исоқ мункиди, бoshi қўйнииг бўйнига урилди. От пишқирди, аравакаш эски, мунгли бир қўшиқни хиргойи қилиб ҳамчи сел-пирди. Исоқ атрофга қаради: осмон тумтайиб олган, нам шаббода эсади, дашт мудрайди, тўргай учмайди, шувоқ чўпаги гариси силкинади, даштда чуккалаб ётган харсанглар хўмрайиб ётибди. Исоқ отаси улганда кўнгли ана шундай ҳувиллаб қолган эди.

Исоқнинг отаси бир марта ҳам касал булиб ётмаган. Саратон иссиғида, хомток қилаётганда... Исоқ сой бўйнига болалар билан чўмилгани кетган эди. Қайтиб келса отаси ток сўриси тагида чўзилиб ётибди. У югуриб келди: отасининг пешанаси тупроқ, оғзидан қуюқ қон оқиб иягига тушибди. Исоқ «дод!» деб одамларни қақириди...

Ўша куни, одамлар отасини кўмиб қайтганларида бой отаси бир аравага катта оқ серка, гуруч, ун юклатиб юборган эди. Кейин унинг онаси вафот этди. Исоқ ӯшандада ўн иккига қадам қўйганниди. У чин етим, гарис бўлиб қолди. Бой отаси уни ўз уйига олиб кетди. «Худонинг хоҳиши бу, Исоқвой,— деди раҳмдиллик билан.— Бошингни ўзим силайман...»

Исоқ бойникида ўтин-чўп ва сув ташиб, бойга чой дамлаб бериб юрди. Кейин бой уни боғига, ўша отаси улган боққа элтиб қўйди. Ёзда боғ ишлари билан банд, қишида шу ердаги қўргонда қишлоғчи қароллар билан мол-ҳолга қарайди. Бошқа йигитчалар сингари у бозор-учарга бормади. Унга нима ҳам керак, куни шу боғда, қўргонда ўтади. «Бу худонинг хоҳиши», деб ўйларди Исоқ. Носир бойнииг пешанасига худонинг ўзи бойлини, Исоқнинг пешанасига дараҳт ўстириб, мева етказиб беришни битиб қўйган. Худонинг хоҳиши шу!

Исоқ Мастон хола билан Мавлудани шу боғда таниди. Қизнинг отаси ҳам шу қўргонда дунёдан ўтган. Исоқнинг иссиқ-ёвғони Мастон холанинг уйида, кир-чирини у ювиб беради. Ўз ўғлидай булиб қолган. Ӯшанда Исоқ ўн олтига қадам қўйган йигитча, Мавлуда шўх қизча эди. Мавлуданинг аяси бойнииг сигирларини соғар, кува пишиб, сариёғ олар, айронни қурут қиларди. Исоқ боғнииг қайси бурчилда ишламасин, Мавлуда унга кичкина қора қўмғонда чой, рўмолга ион ва пиёла туғиб боради; баъзан гўжа ё угра ош кутариб келади. Исоқ овқатланиб олади-да, Мавлудага қараб: «Катта,

ақлли қиз бүлгін, омин», деб дастурхонни унинг құлига беради. Мавлуда болаларча кулади бу ғалати фотиҳага.

Иллар ўтди. Мавлуда құвноқ, тұғри сұз қиз бұлыб ўсди. Унинг шу хислатига Исоқнинг ҳаваси келарди. Бир куни ёзда Мавлуда ерга чойшаб ёйиб қүйиб, күш сингари шоҳдан шохга сакраб үрік қоқарди. Исоқ күриб юраги ўйнаб кетди: «Пастга түш, шайтон қиз, йиқиласан!»— деди. «Шайтон бұлсам йиқилмайман, йиқилсам ушлаб ололмайсизми, шундоғ йигит», деб қиқырлаб кулди Мавлуда. Баланддан Исоққа шундоғ ўтли қарадики, унинг юраги жиғиллаб кетди. Шу-шу Мавлуданинг күлгисини бир кун әшиитмаса, нозлн қарашига күзи тушмаса Исоқнинг юраги орзиқадиган бўлди. Буни Мавлудданинг аяси Мастон хола ҳам сезар, аммо Исоқнинг ҳалоллиги кўнглига таскин берарди.

...Кичик ҳайит яқин эди шекилли. Исоқ кам-күстү учун бойникига пул сұраб борди. Носир бой кулиб: «Харажат катта бұладими?» деб сұради. Исоқ ерга қаради. Бой унинг құлига битта йигирма беш сұмлик туттируди. Исоқ чиқиб кетаётганда бойникинг миrzаси уни меҳмонхонага бошлади, даftар очди. Исоқнинг сұрагиси келди: «Қарзим йўқми, мулла ака?»

— Үғил ота қарзини узади, Исоқвой.

«Ота-онам маросимига берганлари даftарга тушган, фойдага кирған экан», деб ўйлади Исоқ. У харажат учун бойдан йилинга бир иккى марта бир оз пул оларди, аммо ўз ҳақи қанчалигини ҳеч сұрамасди. Мирзанинг бугунги гапи кечгача унга нашъа қилиб юрди.

Кечқурун қўрғончада Исоқ кўнглини Мастон холага ёрди:

— Қизиқ, бизники қанча ётса ҳәм бир тийин туғмайди, бой отамники кўпаяверади...

Супада иягини ушлаб, гапга қулоқ солиб ўтирган Мавлуда унинг сұзини олди:

— Бойнинг пули битдай болаларнишу камбағалники доим қисир қолармиш, Исоқжон ака.

Исоқ ялт этиб унга қаради. Мавлуда жиддий, хаёлга ботған, қўрғоннинг нариги бурчагида эндигина соғиб олинган сиғирнинг елинини тортқилаётган бузоққа қараб ўтиради.

Исоқ хохолаб кулиб юборди. Мавлуда ирғиб турдида, бориб бузоқларни сиғирлар ённдан олиб, ўз жойига қамашга тутинді.

— Отасиға тортди. Раҳматлик шунақа аччиқ нақларга уста эди, — деди Мастон хола хўрсиниб.

«Йўқ, зулмат чўккан кўнгилга чироқ — унинг ҳар тали, ҳар қараши», деб ўйлади Исоқ.

Жума куни азон намозидан кейин Исоқ Мавлуда ювиб, тахлаб қўйган оқ бўз яктак-иштонини кийиб, бозорга борди. Қассобдан икки қадоқ қўй гўшти, бир қадоқ думба, калпонга кириб, икки қадоқ девзира гуруч харид қилди; баззоздан Мавлудага атаб бир кўйлаклик қизил гулли чит, худди шундай қизил гулли шол рўмол, Мастон холага бир кўйлаклик одми чит, ўзига дўппи олиб, нонушта вақтида қўргончага қайтиб келди. Қўлидагини Мавлудага бериб (ростдан ҳам, Исоқнинг умрида катта харажати эди бу), ўзи нонуштага ўтирди. Мавлуда шу заҳоти тугунни супага қўйиб очди-да, кўзлари ўйнаб кетди.

— Вой, кимга олиб келдингиз? Ё келин тушириб келамизми қўргончага?

Исоқ қизнинг бегубор гапига ҳузур қилиб кулди:

— Сенга олиб келдим, Мавлуда, кечаги сўзларинг учун... Униси сизга, хола.

Мавлуда ўз гапидан уялдими, югуриб уйга кириб кетди. Мастон хола:

— Умрингиздан барака топинг Исоқжон, тупроқ олсангиз олтин бўлсин,— деб алқади.

Исоқ хомтокка киришди. Пешин вақтида қўлида қумгон, пиёла Мавлуда келди.

— Чанқаб кетгандирсиз, чой дамлаб келдим.— Бир пиёла чой қўйиб узатди-да, қумғонни унинг ёнига қўйиб, срга қараганча ўтирди.

— Жуда ширин чой бўпти, раҳмат. Ақлли, катта қиз бўлгин, омин,— деди Исоқ.

Мавлуда қиқирлаб юборди.

— Жудаям ғалатисиз-а, Исоқжон ака, болалигим-даям шундай деб фотиҳа ўқирдингиз, эндиам.

Исоқ унга хушнуд қаради-ю, индамади.

— Сабзи-пиёз олиб бераркансиз, кўпгина,— деди Мавлуда,— ош қилмоқчимиз, катта қозонда. Янгамга олиб борамиз... фақат кўчаларини, уйларини билмайман.

Исоқ сабзи-пиёз олиб чиқди; Мавлуданинг қўлига бера туриб:

— Йўқ, Мавлуда, қозонни ҳеч жойга олиб бормай-

сан, янгангнинг уйи шу ерда, құрғончада,— деди унинг чарос күзларига термилиб...

Арава яна қалқиди, қүй инқиллади. Исоқ сесканиб бош кутарди. Арава тоғлар оралиғида, жилғада борарди. Тоғ чүққисига қараб Исоқнинг ваҳми келди: улкан, баҳайбат қоя жилғага худди айвон бұлиб турарди.

— Худойимнинг құдрати зүр, Исоқвой иним,— деди аравакаш, қамчи дастасини қоя томон күтариб.— Эгамнинг құдратын ушлаб турибди буни.

...Чарос, шивилғанини майизга узиш вақти эди. Бир куни узум узаётгандар тепасига бойнинг ўзи келиб турди. Қошгоҳда Исоқни сой бүйига чақыртирди. Бой тол тагида, салқында үтирибди.

— Ота-онанғ бандаликни бажо келтирғанда, Исоқвой ўғлим, бола әдинг,— аста гап бошлади у.— Худо ўзи паноҳ, бизнинг даргоҳда ўсдинг. Энди катта йигитсан. Худо құнглимга бир ният солди. Бобонг, отанг ҳурмати бошингни иккита қилиб құймоқчиман. Құрамаиздаги Мастоннинг қизи пишиққина дейишади. Шунга совчи қўйсак, қалай, ўзи маъқулми сенга?

— Раҳмат, бой ота, сиздан жуда миннатдорман. Алммо бунақа ишга қўлим калта, ўз қўйлагимни иккита қилолмайману рўзғор тебрата оларнидим. Худонинг хоҳиши... у буюрган кун келар, сабр қилай, бой ота,— деди Исоқ ерга қараб.

— Худо ҳар кимни ўз ризқи билан яратган, Исоқвой,— давом этди бой.— Тўй ҳаражатига топганинг етмаса, мен борман. Қарздор бўлсанг нима? Ёшсан. Қарз узилади, хотин ёнга қолади.— Бой кулди. Қейин босиқ ҳолда илова қилди.— Куз кириши билан тўй қиламиз, ҳаракатни бўшаштирма. Унутмасанг бўлгани...

Шу кундан бошлаб Мавлуда Исоққа кам куринадиган, кўрингандан ҳам ерга қараб ёки рўмолининг бир учини тишлаб юзини пана қилиб ўтиб кетадиган бўлди.

«Бой отам жуда сахий одам,— деб ўйлади Исоқ.— Мана бугун пирга қўл беришим учун арава қўштириб юборди. Бир қоп гуруч ҳам ташлатиб қўйибди...»

— Ҳа, чу!— деб юборди аравакаш, отни қамчилаб. Қамчи учи чарс этди, отнинг қорнига тегди шекилли, от пишиқириб тирмашди, тақаси «тақ-тақ» тошга урилди. Арава тик дўнгликка кутарилиб, тоғ бағрилаб кетган йўлга бурилди.

Осмон қовоғини очмас, қуруқ изғирии эсарди. Чүк-қидан сал баландроқ күтарилиб баҳайбат бир қуш — бургутми ё калхат — лапанглаб учиб юрибди...

— Худойимнинг қудрати зўр, Исоқвой иним,— деди аравакаш тағин,— азиз қадамжойини шу олис баланд тоглар оралиғига жойлабди. Мана етиб ҳам келдик...

Исоқ индамади. У пирга рӯбару бўлиш, унинг мубо́рак ўнгириини кўзига суртишнигина ўйларди... Ёндаамада арава қийишайди, қўй сурилиб Исоқнинг оёгини босиб қолди, у инқиллаб оёғини зўрға тортиб олди.

Пастликда уларни икки киши кутиб олди, аравани ичкарига киритиб, дарвозани беркитиб қўйишиди. Бирни аравакаш билан қопни кўтарди, иккинчиси қўйни етаклади — пастликка, сой бўйига тушиб гойиб булишиди.

Исоқ якка қолди.

Ҳамма ёқ жимжит, бу ерда гўё шу икки кишидан булак қимирлаган жон йўқ. Теваракни чуян девор бўлиб ўраган қора тоғлар, азим терак ва қайрагочлар бу чоҳга қоронгилик ёяди — сирли, маъюс, гунг қоронгилик.

Рӯпарада масжид, хонақоҳ, унинг орқасида дахма, оғир қўшқанот эшиги берк, дахма гумбази устида оқ туг-ёғоч учига боғланган бир тутам қора қил,— булар ҳаммаси босиб келаётган қоронгилик пардасини қуюқлаштиради, гунгликини қўриқлайди, кўнгилга гулу, ваҳм солади.

Исоқни йўл карахт қилиб қўйган эди. У чакалак оралаб сой бўйига тушди, таҳорат олиб, қазо бўлган намозини ўқиди — «хуфгонни жамоат билан пир орқасида» ўқийди.

У қайтиб, беихтиёр дахма рӯпарасида тұхтади, кафтларини очиб цичирлади:

— Имоннимизни бутун сақла, худойим! Ўзингиз шафе бўлинг, бобо пирим! — ўзи ва хотини номидан илтижо қилди.

Исоқ хонақоҳ пешайвонига қадам қўйганда узун мalla тұн кийган, эчки соқол, юzlари кичкина кишига рӯпара келди. Исоқ уни таниди — қўшбулоқлик Сайднуриндин, унинг кетида аравакаш турарди, пирнинг зиёратларига кириш мавриди эканини айтишиди. Исоқ олдинда, улар ичкарига киришди.

Катта хонақоҳнинг икки томонида иккитадан тұртта шам ёниб турибди. Беш-олти киши деворга сұяниб бош ғиб ўтиришибди; тұрда шайх Шаҳобиддин — мөш-гуруч соқолининг учи кузалган, юzlары нуроний, катта, чиройли қовоқлари бұртикроқ, пешанаси кенг, бошида салла-дүппи, әгнида баронас камзул, құлида қаҳрабо тасбеҳ, гүё пинақда әди. У бош күтарди. Исоқ икки бүкілганча тез бориб, унинг құлни олди, ўз қулларини юз-күзларига суртди. Шайх үнга үнг құлдан жой күрсатди, Исоқ ўтиреди, аравакаш билан малла тұнли киши ҳам бир четдан жой олиши. Шайх фотиҳага құл күтарди, ҳамма құл очиб, пирининг оғзига қаради; Исоқнинг қулогига шу сұзлар кирди: «...бандаларингнинг диёнатиши, имонини сақла... Ұқлиқ ота пиrimнинг арвоҳлари құлласин, омин!..»

Малла тұнли киши дастурхон ёзиб, чой-нои келтирди. Кейин шайх Шаҳобиддин ўтирганларга Исоқни ташиштиреди:

— Бу киши Құшбулоқдан, бизни зиёрат қилемоқ ва муридимиз бұлишни олло таоло күнгилларига солибди,— деди шайх оқиста ва ҳар сұзни салмоқлад. Исоққа чеҳраси ёрнишиб қаради.— Яңглишімасам исми-шарифнингиз...

Исоқ пирининг илтифотидан тұлқинланиб кетган әди:

— Исоқ Қосым ўғлы, пирим,— деди шошиб.

— Ҳа, Исоқбой Қосым ўғлы. Даданғиз, худо раҳмат қылсан, арвоҳлари шод бұлсан, Носир бойпінг күп художүй, ҳалол, миришкор бөгбони, бизнинг падары бузрукворимизга мурид әдилар...— пир жим қолди, бармөқлари тасбеҳ доналарини бир-бир санаар, үзи гүё яна пинақка кетган әди.

«Отамни эсладилар, үзимни ҳам танидилар», деб ўйлади Исоқ.

«Зикр булармикин,— деб ўйлади аравакаш.— Аммо ким билан? Илгари бу ёғи Құқон, у ёғи Наманган томонлардан одам келарди бу жойға. Дош қозоуларда шұрвалар қайнаған турарди, ҳаммага ош тортиларди, майдон ва хонақоҳда хушовоз ҳофизлар нафаси гуркирарди, зикр бошланарди. Энди бұлса биз кириш билан дарвозаси беркитиб олишди... У замонлар үтиб бұлибди энди!..»

— Үзингиз сог-саломат юрибсизми? Үй ичингиз тинчми?— деб сұради шайх бир мұлжал тасбеҳ үгирғандан кейин.

«Аён бүпти-я, уй ичидаги нотинчлик пиримга!» деб үйлади Исоқ.—Худога шукур, пирим...—дедиң, дудуқланиб қолди. Шайх унга жилмайиб тикилиб турарди. «Күзлари жуда ўткир. Худо фақат шундай одамга бундай күз ато қиласы. Яшириб бұладими?»—Исоқ тутилиб-тутилиб гапирди:—Шу деңг, пирим... нохушлик бұлды бир оз... келинингиз... менинг хотиним беизн анави тұртнчиларнинг домласы очтирган мактабға борибди...

—Худо үзи инсоф бергай унга,—деди шайх виқор билан.—Заифа әрининг хасми, уннинг изни қонун. Заифанынг күчага чиқиб, хусусан, үшандоғ илмға үқиши худога хуш келмайдур, бұтам. Үқтириңг, заифанғиз худонинг қаҳридан құрқсан.

«Эх, нодонгинам, нимага айтдинг бу гапни?» деб үйлади аравакаш.

Хуфтон намозини үқиб бұлғанларидан кейин шайх Шаҳобиддин уйига чиқиб кетди. Улар ҳужрада тұнашды.

Исоқ әртасыга ҳам пир ёнида қолиб, уннинг үгіт-насиҳатларидан баҳраманд бұлды. Шайх унга, Носир бойнинг саховатли одамлыгини таърифлади, Носир бой ермұлкини қарол-чоракорларында инъом қилиш ниятида әканлыги бугун тунда хобида аён бұлғанлығини, Исоқ ҳам йүқ демай, ер олиши кераклығини, бу худонинг хоҳиши әканини айтди. Кейин шайх Исоққа синчков назар солиб турди-да:

—Хукумат томонидан келган болшавой бир хотин қишлоқ аёлларини тұплаб мажлис ўтказған,—деди у үйчан ҳолда.—Сизнинг заифанғиз ҳам шу мажлисга борған. Хабарингиз бордир?

Бу түйқұс саволдан Исоқ саросымада қолди. У бөшини күттарди:

—Йүқ, пирим.

—Күрдингизми, хасминғиз ниятини, хатти-харакатини сиздан сир тутадыр. Аммо лекин бу бізга аёндир, сиз ҳам воқиға бўлинг. Заифанғиз уша йиғинда қўп бемаъни ва бўхтон гаплар айтибдир: бойни фақир-бечоранинг қонини сўриб келган зулук дебдир, масжид имомини бойнинг ялоқхўри, деб итга ўхшатибдир. Яна менга шу ҳам аёндирки, бұтам, сизнинг бизга мурид бўлғанингиздан у кўнглида норози. Ўйнингиздаги нотинчликни ўйлаганимда олло таоло тунда кўнглимга шуларни солди. Бундан сизни огоҳ қилмоқ менинг худо олдидағи

қарзимдир. Айтинг, унга, тавба қилсин... акс ҳолда сизнинг охиратингизга ҳам футур етказгай.

— Тавба қиласи, пирим...

Исоқ шайхга термулди. У пицирлаб тасбеҳ үгиради. Кеча аравадан қўй билан гуручни тушириб олган кишилардан бири унга «туринг, бўлди» дегандай имо қилди. Исоқ унга эргашди. Ташибарида у Исоққа: «Табаррук булоқ сувидан олиб кетиб, запфангизга ичиринг, дили пок бўлади», деб уқтириди. У кўзача кўтариб келса, аравакаш булоқ бошида ҳәёлчан ўтирибди, кўзлари дахмада.

— «Ўқлик ота» тўпларини шу дахмада отармиканлар, Исоқвой?— сўради аравакаш.

Исоқнинг бошида пирнинг сўнгги сўзлари айланарди. Бу гап кўнглига сиғмади. Индамай сувдан ҳовучлаб ичди, кўзачани тўлдириб, оғзини тиқинлади. Даҳмага қараб қўлларини очганча илтижо қилди. Аравакаш саволини яна қайтарди.

— Бу файбнинг иши, карвон ака. Қани, жўнадик,— деди Исоқ.

Исоқ аравада кўзачани тиззасига қўйиб, бўйнидан маҳкам ушлаганча тебраниб борар, аравакаш эса бир зайлдаги мунгли хиргойини бўшаштирмасди. Улар мункайган чўққи тагидан ўта бошлашди. Ўша баҳайбат қушлапанглаб учиб юрибди.

— Худойимнинг қудрати зўр,— деди у ўзига ўзи гапиргаидай.— Бир нарсага ҳануз ақлим бовар қилмайди, Исоқвой укам: бугун кечаси ухламай ташқарида юрдим, мабодо «Ўқлик ота» бобом ўқ узиб қолсалар, тўпхоналарининг қаердалигини кўрарманми деб. Болалигимиизда чақмоқ чақиб ҳаво гулдураса, момомиз, «Ўқлик ота» тўп отяпти, деб бизни ташқарига қўймасди... Худойимнинг ҳам зап ишлари бор-да, Исоқвой.

— Файбнинг ишини бандаси қаёқдан билсин, карвон? Хўп гапларни гапирасиз-да,— қўрс жавоб қилди Исоқ.

— Пирга аён-ку, Исоқвой... Аммо, укам, бу сафарги боришимда ҳайронлигим ошди. Бу ёғи эгамнинг ўзига аёнку, чамамда, мозорнинг файзи кетибди, пирамининг даври тугаётгандай...

Исоқнинг жаҳли чиқди, унга қарайман, деб мункиди, кўза қўлидан чиқиб кетаёзди:

— Куфрга кетманг, карвон. Бу гаплар пирамига аён булади.

Аравакаш уҳ тортди.

Кишилоққа етгуича Исоқ хотинига табаррук сувин ичириш, уни гуноҳдан поклашни ўйлаб анча юмшади. У ўйга кириб келганда қайнонаси ошга гуруч босар, Мавлуда ҳовлини энди супуриб бўлган эди.

— Яиги мурид шарофатига ош тайёр,— деди у кулимсираб.— Ёзилибгина келдингизми, ишқилиб, Аҳмаджон?

Исоқ ичида: «хайрият, ўйглаб карши олмади, пирим гайдан кунглига солгандирлар», деб ўйлади. У чопони билан кўзани сўри устига кўйди. Ошхонадан юргургилаб чиқсан ўғилчасини даст кўтариб, иккала бетидан ўпди-да, уни ерга қўйиб, шомга таҳорат олишга кетди. Мастон хола ўтни тезлатди. Мавлуда ҳовуридан анча тушган, бошқача айтганда, тақдирга тан берган, аммо ўқишга ижозат берса бас, деб ўйларди. Исоқ сўрида намоз ўқиди, кейин Аҳмаджонни тиззасига ўтқазиб, унинг бошини силаганча, хотинига мақтапиб гап бошлиди.

Ў қайтиб кела туриб бой отаси билан учрашди, унга яхшиликлари учун раҳмат айтди. Бой бу сафар уни «сизлади», ҳатто ўзи чой қўйиб узатди. Кейин мулойим жилмайиб, унга боғ инъом қилмоқчилигини, Исоқ уни унумаслигига аминлигини айтиб: «Сизни, Исоқбой, ўглим деганиман», деб қўйди.

— Биласанми, нодон,— деди Исоқ хотинига,— бой отамнинг бу ниятлари пиримга олдин аёи бўлган экан...

— Ростдан-а,— унинг сўзини бўлди Мавлуда,— таг-туғи билан берармишларми?

— Ҳа, васиқалатиб...

— Шу гап бой отамнинг эсларига илгарироқ келмаганини қаранг-а, Аҳмаджон?— Мавлуда яна эрининг сўзини бўлди.— Шу иш илгари бўлганда биз ҳам ҳалигача қаддимизни ростлаб олармидик,— у ўйланиб туриб илова қилди:— Ҳеч ишонгим келмайди, Аҳмаджон, ё ислоҳот гапи чиққанига шошиб қолдимикан-а, бой отам?

Исоқ хотинига бежо хўмрайди.

— Чулдирайверма, худонинг ношукур бандаси!— жеркиб берди у.

Кўнглидан шайхнинг Мавлуда тўгрисидаги сузлари кечди. Эсига сув тушди, ённаги кўзани қўлига олиб,

бир пиёла қўйди-да, ўзи ичди, кейин яна қуя бошлади, сув кўза томоғидан гўлқиллаб тушарди.

— Менгаям бейинг, ужейиз ичавеясизми?— деди Аҳмаджон.

Исоқ пиёлани унинг оғзига тутди, бола бир-икки қултим ютди-да, бошини кўтарди. Исоқ пиёлани тўлдириб Мавлудага узатди:

— Ма, мана буни ич, кўнглинг тозаланаади.

Мавлуда эрининг қулидан пиёлани олиб, тикилиб турди-да, сўради:

— Нима бу, дадаси, сувми?

Исоқ тутақди:

— Йўқ, заҳар!.. Шунча йўлдан кўтариб келсам бунга... табаррук булоқнинг сувини...

— Сувлигини билмадим, сўрадим, шунгаям... жаҳлингиз чиқофич бўп қолди... Ичиб дардингиз ёзилган, кўнглингиз тозаланибина келгансиз дебман, дадаси.— Сувин ичиб пиёлани эрига узатаркан, бенхтиёр кулимсираб яна сўради:— Ердан чиқарканми шу сув?

Мастон хола ошни сузиди келиб, товоқни дастурхон устига қўйди.

— Астағфирилло!— деди Исоқ,— қаердан чиқади бўлмаса!

— Қайдам, ўзимизнинг булоқ суви буидан ширипроқ туюлди менга.

— Шошма!— деди Исоқ.— Аллақандай мажлисга борибсан, бой отамни зулук, имом домлани ялоқхўр дебсан. Ростми?

— Ҳа, бордим...

— Шундоғ дедингми?

— Дедим. Ёлғонми?

— Шу мактаб ўқиши йўлдан оздирди сани. Биласаними, махлуқ, пиримга аён бўпти шу. Тавба қил!

— Ё тавба!— деди Мавлуда ёқасини ушилаб.

— Бугундан бошлаб мактабни йигиштирасан. Мани изним шу!

— Жон дадаси, инсофингизни йўқотманг,— ялиниди Мавлуда. Аммо эрининг авзойига қараб туриб, буш келмасликка аҳд қилди:— Мани биласиз, кўнглимдагини ичимга ютмайман. Уришиш, уринг ҳамки, ўқишни ташламайман...

— А!— Исоқ телбаланди. Иргиб турди-да, Мавлуданинг бетига икки тарсаки туширди.— Мана бўлма,

са!..— сўри устида, Мавлуданинг ёнида ётган китоб дафтарларни олиб гижимлаганча ўчоқ бошига югарди йиртиб-йиртиб ўтга ёқаркан, титраб-қақшаб:— беизи кўчага чиқсанг, ўша мактабга қадам қўйсанг менга ҳаромсан!— деб юборди.

— Болам, Исоқжон, нима бўлди сизга? Қайси шайтон васваса қилди!— деди айвон ўртасида серрайиб қолган Мастон хола чайқалиб.

Аҳмаджон чинқириб аясининг пинжига тиқилди.

— Сизни шу кепатага солиб жўнатган пириңгизниг' уйи бузилсин!— деди ўғилчасини маҳкам қучоқлаб Мавлуда.

Муроджон Исоқларникига бу жанжал авжига чиқъдамда кириб келган эди.

## V

Кеч кира бошлаган, Шароф домла одатича, сўрида аста танбур чертиб ўтирган эди. Қўча эшик зулпини шиқирилагандай бўлди. У танбур дастасини елкасига тира ганча қулоқ солди, зулпин яна шиқирлади: секин, гўё ҳадиксирагандай. Бемаҳалда ким ташриф буюрди эка! Очиқ кўнгил билан келган киши бунаقا ҳадиксираб ту масди. Аммо ким бўлса ҳам пешвоз бориш керак.

У қора лас камзулини елкасига ташлаб кийди, тугмаларкан, нохинни бармоғидан олиб ички чўнтағига соли танбурии гилофлаб деворқозиққа илди, хонтахтидаги қоғозларни йиғиштириди, дастурхонни сўридан енгил тушди, калишини кийди-да, ййуталиб товуш берди; эшикнинг бир табақасини очтиклигланча бир лаҳза туриб қолди, қайси кўз билан кўрсии!— рўпарасида шайх Шаҳобиддин турарди: бошида қордай салла, эгнида кул ранг камзул, устидан енг бапорас чопон кийган, қиёфасида ўша виқор, ўша мозлигу қовоқлари салқиблди, киприклари тез учади.

Шароф домла ҳушини йиғиб олди.

— Келсинлар, таксир,— деди хиёл жилмайиб.— дамларига ҳасанот, ташриф буюришларидан беъ қолибмиз, пояндоз тўшардик, марҳамат, ичкарига.

У йўл бошлади, шайх аста унга эргашли. Мезбоғ сўрига таклиф қилди. Шайх Шаҳобиддин каву'ечиб, сўри четига омонат ўтирган эди, мезбоғ ж бош чайқади:

— Иүқ, тақсир, пири аъзамнинг ўринлари бу ер эмас, гўрда!

Шайх ноилож ўтиб, чордона қурди, фотиҳага қўл очаркан: «қимо... қимо қиляпти!»— кунглидан утказди.

Иккаласи ҳам жим қолди, униси ҳам, буниси ҳам гап бошлолмас, хаёл жамгарар, гуё бўғиб қўйилган икки дарё суви ўз тўғонини ўпириш учун зимидан куч йигар эди.

Шайх ер тагидан Шарофга бир қараб олди: қарибди, аммо тетик, қўзлари тийрак, ҳали-ҳали уша бургутча қараш. Шайх унинг куч манбаига ҳайрон эди: на кундуз, на кеча тинади; ўз мактаби етмагандай, депарадаги бўлак мактабларнинг муаллимларини йигади, улар миясига ўз ғоясини қуяди, даҳрийликка ўргатади. Халоиниқ бўлса, оиласида жанжал чиқса бунинг олдига келади. Қаердан келади бу куч унга!..

Шайх Шаҳобиддин бир нарсага ҳануз тушунолмайди — ё худонинг ўзи буни тушунишдан уни маҳрум этганими — катта тудаларда у ғоз юриб тўрдан жой олади; бошқалар ундан кейин гартиб, одоб билан ўтиришади; ҳамманинг кўзи турда, қулоги унда бўлади. Бу унинг ўз жойи, мумтозлиги, аъламлиги, муаззамлиги тақозо қилган жой — шундай эди, эндиликда ҳам художўйлар орасида шундай. Мана ҳозир, шу шаккок ҳузурида беихтиёр сўри четига, пойгакка ўтириб қолди. Ё ўзини ожиз сезадими? Илгари болалик ва ёшлиқ чоғларнида ҳам мустақиллиги, ўқтамлиги, билими кенг ва чуқурниги Шаҳобиддиннинг кўнглида ғашлик, ҳасад қўзгабарди...

Бир нарсага ҳануз унинг ақли шошади: болалигига уни мактабга бермадилар. Олтмишга кирганда топган — якка-ёлғиз фарзанди бўлганиданми, бошқа бирон мулоҳаза биланми, ҳар қалай, шайх Баҳоваддин уни уйда ўзи ўқитди. Кундуз куилари дадаси хонақоҳда ёнд бўлганда сабоғини пишитишга Эшон ойим қаарди. Эсида, уйда уни ҳеч ким сансирамас, ҳатто доим сипо, виқор билан юрадиган дадаси ҳам уни сизларди: «Мулла Шаҳобиддин, дарсингизни яхши пишитгандирсиз. Ҳани, мен а бир қайтаринг», дерди: Шаҳобиддин ўқирти, дадаси бош иргатиб эшитарди-да: «Қироатда хиёл ўксайсиз, мана бундоғ ўқинг, ўзингизни бундоғ тутинг», б ўзи ўқиб берарди.

Уни күчага жуда кам чигарардилар. Үзи чиқиб қолганды ҳам күча эшик олдиdan нари жиполмас, болалэрнинг ўзоро гаплари унга аллақандай дағал туйилар ўйин-күлгилари беҳуда, ет куринарди, уларга қовушиб кетолмасди.

Бир воқса эсидан чиқмайди: Шаҳобиддин йигитча бўлиб қолган эди. Бир куни эрталаб дадасининг амри билан унга янги кавуш-маҳси, уст-бош кийдирилар, бошига кичкина ишак салла үратдилар. Шу куни уйда гўё ҳайнт бўлди: ҳамма уни табриклиди. Кейин у дадаси билан хонақоҳга чиқди. Улар кириб келиши билан муллаваччалар бир томонга тизилиб, қўл боғлаганларича таъзим қилиб турдилар. Дадаси тўрга, ўз жойига ўтли, у дадасига яқинроқ бориб турди. Булар дадасининг шогирдлари, кўпини танийди. Шундай бўлса ҳам, нима учунидир, дадаси уни: «Бу йигит мулла Шаҳобиддин», деб танишитирди. Ҳамма унга хиёл бош эгди. Дадаси ўзига хос викор билан ўрнига утириди, у ҳам чуккалади. Шундан кейингина муллаваччалар ўз жойларини олдилар.

Ў тенгқурлари даврасига мумтоз бўлиб кирди. Бора-бора хонақоҳга үзи якка кирганида ҳам утирганлар исhtiқболига турмасалар, уларга хўмраядиган, йўлда учрагилар қўл боғлаб таъзим қилмасалар, ўрнида тўхтаб турадиган бўлди.

Дадасининг шогирдлари орасидт икки муллавачча — Сандмурод билан шу маҳаллалик фақир бузчининг ўғли Шароф уни курмагандай гаплашиб тураверадилар. Бу «бесадаблик» уни хусусан қаттиқ раңжитарди. Дадасига чақай деса, биринчидаи, улар узидан катта, иккинчидан, дадасининг ибораси билан айтганда, улар бу «кичкина мадраса»нинг зеҳин энг ўткир пешқадамлари; дадаси китоб маънисини аксари шулардан бирига айттиради, дарсини билмаган шогирдга: «Қунт ва зеҳини булардан пича қарз олсанг, миянг очилади», дейди. Унини ўзига ҳам уйда бир неча бор шундай деб айтган. Шунинг учун ҳам Шаҳобиддин кўнглигининг аллақаेрида уларга ҳасад Сорлигини гира-шира сезарди, аммо дадасининг: «Ҳасад, ўғлим, ақли занфлик аломати», деган сұзларини уйлаб чўчириди. Чўчиридни, бирон жиҳатдан, лоақал, мударрис ўғли сифатида улардан мумтозлигини ҳар қадамда сездириб туришга уринарди. Шаҳобиддин шу икки дўстга яқин бўлишини, уларга қўшилиб шўх кулишини, ҳар замонда жуда-жуда истарди. Бироқ уларнинг шу «бесадаб-

лини» уни яқни йұлатмас, гүё ораларида қад кутарған қални девор әди.

«Кичкина мадраса»даги үқиш шу йүсінде давом этарди. Бир күні дарсдан кейин дадаси уни, Шароф билан Сайдмуродин қолишига ундади. Хийла сукутдан сұнғ салобат ва виқор билан ғап бошлади:

— Назаримда, сизларни катта мадрасалардан бирига әлтиб қўйиши фурсати етгай күришадир, муллаваччалар. Менинг қўлимда бир меъёр таълим курдиларинг. Энди ёшларинг ҳам кичкина эмас. Ота-она багридан узилиб, толиби илм бўлиш учун азият чекишдан ҳеч бирингиз чучимайсиз. Аминмаини, илм ҷароғбони бўлиш йулида ҳормай ҷалишасизлар, бирингиз мударрис, бошқаларингиз, лоақал, бирон масжид имоми даражасига мушарраф бўлиб қайтурсиз. Дарвоҷе, қулокларингизда бўлсинким, мусоғирчиликда бир-бирларингизга меҳрибон ва мададкор бўлниглар.— У Сайдмурод билан Шарофга қаради:— Дадаларингизга менинг кўнглимда ҳосил бўлган бу фикрини айтингиз, сизларниң тараддуларингизга киришенилар.

Иккала муллавачча ўринларида туріб куллук қилдилар, дадалари «устодининг кунгилларида ҳосил бўлган бу фикр»дан кўп хурсанд бўлишларини айтиб, эшик олдигача орқалари билан бориб, кейин ғирилдилар.

Шаҳобиддининиң назарида шу икки муллавачча билан ўз орасига ўзи урган ўша «қални девор»га дадаси рахна солиб бергаңдай бўлди.

Уларни Қўқонга шайх Баҳоваддининиң ўзи олиб келди, мударрисга ўзи тоширди. Аммо Шаҳобиддинга алоҳида ҳужра берилди, гарчи унинг ёнида бўлса ҳам, Сайдмурод билан Шароф битта тор ҳужрага жойлаштирилди. Шаҳобиддининиң назарида дадаси ўзи солған рахнани ўз қўли билан уриб кетди. Лекин Сайдмурод билан Шарофнинг бегўборлиги унинг кунглидаги бу кукуратни ювар, «рахна»ни яна очарди.

Улар Шаҳобиддининиң таомни бирга баҳам кўришига жалб қилдилар. Шароф эпчил, пазанда бўлганидан бир-паста шўрва пиширарди; жума куйлари кечқурун Сайдмурод сабзи-лиёз тұграр, Шароф үчоққа ут қалаб, декчани осарди-да, ош дамлаб жураларини қул ювишига уйдарди. Шаҳобиддин албатта олдин туриб келар, қўлига сув қўймасалар обрез олдида бир дам туриб қоларди, онга ўзидан олдин қул урилса, қовоги уйиларди. Улар

буни сезар ва кўрадилару мийиқларида кулиб қўя қолдилар.

Уларнинг дарслан кейинги мутолалари ва муҳокамалари ҳам бирга эди. Маъни айтишида тутилса, магзини чақолмаса, Шаҳобиддин буни сиртига чиқармас, виқор билан сукут сақларди. Муҳокамани Сайдмурод билан Шароф давом эттирадилар, уларнинг муҳокамалари баҳс-мунозараларга айланарди. Шароф ўз фикрини исботлаш, уқдириш учун кўп мисоллар келтирас, таҳлилига киришарди, иккаласи қизишиб гүё олишарди. Шаҳобиддинга ҳозир улар орасида ихтилоф чиқадигандай туйилар, шу ихтилоғин кутарди, аммо бу баҳс қанча ажига минса, улар қанча қизишиб тортишсалар, фикрлари шунча уйғулашар, иккаласи орасидаги иноқлик барқарор бўлаверарди. Шаҳобиддин бундан ҳайратга тушар, ҳайрати ошиб, кунгил ғашликка айланарди. Бир куни шундай баҳс устида у:

— Баҳсларинг менинг кўнглимга сиғмайдур, бу баҳсдан на мурод? Сиз, мулла Шароф, кўп қизишасиз, бу одатнингиз менга ёқмайдур! — деди.

— Баҳс ҳам кўнглингизга сиғмаса, бу носоғлик аломатидир, тақсир. Баҳслан қочганингиз маъқул, ўзингизни аянг, — деди у.

Шаҳобиддин қизарди, мумтозлигига путур етгандай, ўз ҳужрасига чиқиб кетди.

«Ё тавба, шунча тортишади, ҳатто сан-манга боришини, яна бирининг кўнглига иккинчиси сиғаверади-я!» деб ўйлади у, ўтириб китоб очаркан.

«Баҳс кўнглингга сиғмагани ёлгон, бизнинг иноқлигимиздан эзиласан», дея кўнглидан ўтказди Сайдмурод.

Шаҳарда истиқомат қила бошлаганига анча ойлар бўлди, аммо Шаҳобиддин шунча муллавачча орасидан битта яқин дўст орттира олмади. Шароф мадрасадаги пешқадам муллаваччалар, шаҳар шоирлари гуруҳига қўшилди, машҳур мусиқачи ва ҳофизларни таниб, Сайдмуродни ҳам тортди. Шу муллаваччалардан баъзилари улар ҳужрасига келадиган. Муқимий, Фурқат тахаллусли шонрларнинг ғазалларини ўқиб, муҳокама қиласидиган, ўзлари шу шоирлар ҳузурига борадиган бўлдилар. Шаҳобиддин гурунгларга аралашолмас, аралашса, уларнинг гаплари, баҳслари кўнглига сиғмас, ҳофизларнинг мусиқий билан айтадиган қўшиқлари қулоғига ёт эшигинлар, зикр-самода китобни бетига тутиб ўқийдиган ҳофиз-

лар овозига үхшатолмас эди. Аммо буларни қўнгли сифирмаса ҳам қишлоқдан бирга келган шу икки ошина гуяннишга, уларга эргашишга мажбур эди.

Бир куни улар иккиси шаҳарни сайд қилишга отланганларида Шаҳобиддин ҳам боришга ихтиёр билдири. Улар янги шаҳарни томоша қилиб борардилар. Йўлкада қўлтиқлашиб келаётган рус қизларга дуч келдилар, улардан бир жуфтни Шаҳобиддинга жилмайнишиб тикилганларича тўхтаб қолишли. У юзини ӯгириб: «Қозинг тешилгур, беҳаё!» деди. Шарофнинг кўз олдига рупарасидан ногоҳ эркак киши чиқиб қолган чачвонсиз аёлнинг ҳолати келдию, пиқирлаб кулиб юборди. Сайдмурод ҳам ўзини кулгидан тўхтатолмади, иккала киз хандон ташлаганча дугоналари кетидан югуришли. Шаҳобиддин шу ӯгирилганича шерикларига қарамади, келган изига зуд қайтди.

Улар қайтиб келганларида Шаҳобиддиннинг ҳужрасини берк кўрдилар. Сайддан кейин мутолаа ва мухокама билан банд бўлдилар. Шаҳобиддин қош қорайганда келди, лекин салом ҳам бермай ҳужрасига кириб кетди. У янги шаҳардан қайтиб келибоқ дадасига хат ёзи.

«Падари бузрукворимга. Бу номани мусофиричилик азиятини чекиб сизлардан йироқда таҳсил кураётган ёлиз ва фақир ўғлингиз Шаҳобиддиндан деб билурсиз. Мен бунда ҳамма оғирликларга бардош бериб сизнинг ўғит ва амрингизни бажо келтириб турибман. Аммо лекин, дадажон, бирга олиб келган, ўзингиз мадрасага ўринлаштириб, менга ҳамсоя қилиб кетган шогирдларингиз Шароф билан Мурод сиз улуғ ва азиз зотнинг табаррук сўзларини ерга урдилар. Сиз бузрукворимдан бирон нимани сир тутишга менда асло ҳақ-ҳуқуқ йўқдир. Шарофнинг тамом даҳрий ва бетавфиқ бўлиб кетганлигига имоним комил бўлди. Негаким, у мадрасада таҳсил олиш ўрнига аллақандай мусиқийчи ва назмчи ошналар орттириб, ушалар гуруҳида саёқ юрибдур. Бул ҳам етмагандек Муродни ҳам ўзининг ярамас ва куфр ишларига қўшиб олди. Улар кўп вақт саёқ ва беадаб юрадурлар ва ўрусларнинг от ўйинига борадурлар. Бу куфриклари устига мен художўй муллаваччани ўрус қизларга кулги қилидириб, менинг устимдан ўзлари ҳам куладурлар. Ҳужрада бўлса мутолаа ўрнига назмхонлик қилиб, Шарофнинг ўзи мулла ва эшонларни масахара қилғувчи шеърлар ёзадур, мусиқа чалишиб, қўшиқлар айтишиб

базм қурадурлар. Хулласи калом, менинг булар орасида колмоққа тоқатым қолмади, сиз падари бузрукворимдан утиңчим шүлким, мени бундан тез олиб кетсанғиз ёким бу бетавфиқлардан йироқ бирон мұтабар мадрасада таҳсилимни тамомлашга әлтиб топширсанғиз... Иулин-гизга мунтазир мусофир үглиңгиз мулла Шаҳобиддин».

Шаҳобиддин бу күнгі ҳодиса ва шу хат билан иккі орадаги девориң яна ҳам баланд күтарған әди. Буниси үз күнглида тиклаган үша ҳасад девори әмас, гүё «Сади Чин» әді, уннің назаридә, бундан ошиб үтмоққа ёки унга рахна солмоққа на үзининг, на Шароф билан Санд-муроднинг қудрати етарді. Шаҳобиддин күтарған бу «Сади Чин»дан улар ҳам хурсанд бўлдилар, дуч келганда бир-бирларини гүё ташимадилар.

Кейин дадаси мулла Шаҳобиддинни Бухоро мадрасасында әлтиб қўйди. У таҳсилни тугаллаб келганда дадаси фоний дунёдан үтган әди. Шаҳобиддин уннің нур ёғилиб турған юзини кўролмай қолди.

Шаҳобиддин дадасининг сўнгги үгит-васиятларини үз қулоги билан эшитишдан бепасиб бўлғанилиги туфайли күнглида қолган армои-алам устига, қишлоқда Шароф-нинг халойиқ орасида эътибори баландлигини билиб баттар эзилди.

У гарчи дадасининг «кичкина мадрасаси»да мударрислик қила бошлаган бўлса ҳам уйланимаганилиги катта масжид имомлигини олишга монелик қилди. Дадасининг йил оши ўтиши билан уйланиб олиш, уннің бирдан-бир орзуси бўлиб қолди. Таг-туглик жойлардан кўхлик қиз кўра бошладилар.

Ана шу күнларининг бирида Эшон ойим «Үқлиқ ота» даги синглисиникидан қайтиб келиб, Шаҳобиддинни ҳу-зурига чақирилди: «Худойим пешананғизга баланд иқбол ва пирлик битган, болам,— деди у нурсиз кўзлари йилтираб,— эшон бувангиз кенжә қизларини сизга атаган эканлар. Мулла Шаҳобиддин таҳсилларини камолга етказиб келсалар, қизчамиз олло таолонинг паноҳида балогат ёшига етса, уларни жуфтлангиз, мендан кейин ўрнимни ёлгиз у киши босур», деб васият қилган эканлар. Холағиз бошимиздаги қайгу йироқлашгунча бизни бундан воқиф қилишини лозим билмабдилар. Энди фурсат етгаалигидан бу васиятдан сизни хабардор қилишини менга топширдилар. «Қиз деңг бирам кўхлиқ», деб қўшиб қўйди.

Мулла Шаҳобиддининг юраги гупиллаб урди, аммо у ўзини тутди, онахонига виқор билан бош эгиб унсиз ризолик бердию, ташқари ҳовлини чиқди.

Ўша йили кузакда шайх Баҳоваддиннинг оиласи Күшбулоқдан кўчди. Мулла Шаҳобиддин ота ўйини тарқ этди. Ўнинг никоҳ тўйи «Ўқлик ота»да пирлик даржасини олиш маросими билан қўшилди.

«Ё раббим, яратувчи ҳам, шаҳоҳ ҳам ўзингсан!— иятижо қилди шайх.— Бизнинг зинддимизга уни, унинг зиндига бизни қўйднинг, бу ўз қудратнингдандир; биз уни не балоларга гирифтор қилмадик — бутун чиқди; сангбурон қилдирдик — омон қолди; юртни унга тор қилиб қўйдик, бегона юртларда дарбалар кезди — тирик қайтди. Бу ҳам ўз қудратнингдандир. Энди бизга нажот йўлини ўзинг кўрсат!»

Жаҳон муҳорибаси авжига чиққан вақт эди. Мардкор олиш бошланди. Халқ ғалаён кўтарди. Шунда мингбоши билан ноиб тўра шайх Шаҳобиддинни автомии иисофга чақириш учун Қүшбулоққа олиб келишли. Шайх бозор майдонида халққа ваъз айтди: «Оқ подшо олий ҳазратларининг хизматларига отланмоқ фуқаронинг бурчидир, бу хизматдан бош тортган бандасини олло таоло хуш кўрмайдир», деди.

Халойиқ олдида, худди ердан кўкариб чиққандай, Шароф даҳрий пайдо бўлди, ёнида хатга тушганилардан бири, ғалаён туғдирган Қарим полвон қад кўтариб турарди. Шароф шайхни мунофиқликда айблади, кейин халққа қараб:

— Пирим деб сажда қылган муршидингdir халқ сайёди.

Омон алдайма, йуқсил, шайхлар — иблисидир устоди.—

деди.

Халқ денгизи чайқалди.

— Ҳибса! — деб бақиришди ноиб билан мингбоши.

— Сангбурон қилинсин! — деб қичқирди шайх Шаҳобиддин.

Бу сафар одамлар қўлга олган тошларини Шарофга эмас, мингбоши билан ноибга отишди, шайх қўл кўтарди, у чайқалаётган денгиз ўртасидаги Шарофнинг ҳайқириғини аниқ эшитди: «Жаҳон даштини тўфон босса, мен бир ўрдакман!»

Қарим полвон гулдираб кулиб юборди, шайх қулоғини беркитганча якка қолди...

Орадан икки йил ҳам ўтмади, «оқ подшо олий ҳазратларининг» таҳти нурай деб қолган экан, катта денгиз чайқалганда, бир силкимишдаёқ тутдай тўкилди. Шайх унинг ўрнига келган буржуйлар замонни тутиб қолар, деб ишонди, бўлмади: иккинчи силкимишда унинг ишонган бу тераги ҳам қулади. Ҳокимият болшавойлар қўлига ўтди. Юорт ола-туполон эди. Шайх «мусулмонобод» давлатини ўйлай бошлади. Ҳаракат қилиб қолиш керак. У унда-бунда уюшган босмачиларга ишонди, уларга: «Сизлар дини ислом лашкарларисиз, газотга!»— деб фатво берди. Буниси ҳам бўлмади: босмачилик ҳаракати ишқи-лобнинг оташ нафасида ёниб кетди. Шайх Шаҳобиддин қоғоздан ясалган бу иморат кукуни устида қолди. Энди у, томоғимга тиф қадалди, куним битди, деб ишонди, аммо тиф тортилмади. Унинг назарида, Шароф ҳозир ўз иши билан банд. Аммо у тиф тортадими? Қачон тортади? Шайх кейинги йилларда шу талваса, шу азобда яшади.

Шароф унинг муттасил талвасада яшаётганини билади, гўё уни хаёлига келтирмайди; шайх буни тушунади, тушунгани сари баттар қийналади. Нима қилсин, илгариги обруси қолмади халқ орасида! У билан келишиб яшасинми? Улуғ бошини эгиб борсинми ҳузурига? Қолган-қутган муридларнинг ихлоси қайтмайдими ундан?

Йиллар шу ҳолда ўтди. Мана энди ер-сув ислоҳоти деган гап чиқди. Шайх кўз тутган, ишонган охирги тेракларни ҳам кесишига болта кўтарилди. Йўқ, шайх Шаҳобиддин энди йўлни ўзгартиради, ҳукуматга хуш кела-диган йўлни тутади, тутади ўз ишини бажаради.

Шайх Шаҳобиддин Шароф домланинг уйда ҳоли ўтирганини билишга киши қўйиб, икки кундан бери Қўшбулоқда ётган эди. Ниҳоят билди, одамлар кўриб қолмасин деб, тор кўчалардан ўтиб, унинг уйига келди. У билан рӯбарў ўтирибди. Аммо унинг ўзини тутиши, кўз-кўзга тушган ондаги бир лаҳзалик ҳайратдан дарҳол чиқиб аслига қайтиши уни баттар эзарди. «Мезбон ҳозир у эмас, мен бўлсан, у менинг уйимга ана шундай тасоди-фан кириб борган бўлса, мен ўзимни қай ҳолда тутардим, уни шу тарзда кута олармидим?..» деб ўйлади, лекин ўйи жавобсиз қолди. Қизиқ, у билан юзма-юз гаплашишга хоҳиши туғилгунча, хоҳиши туғилгандан кейин сабаб ва муродни аниқлаб олгунча орадан оз вақт ўтмади, ўзи оз азият чекмади. Аммо гап очишга, мақсадни баён этишига лойиқ муқаддима, лойиқ ибора тополмади...

Мезбон нон ушатди, пахталик беқасам лиbos кийдирилган чойнакдан пиёлага чой қуяркан, шайхга разм солиб қаради. Унинг ҳамон қуюқ, ҳамон қора киприклари йирик кўзларини беркитган, у гўё мудрарди. «Ақлли, догоули, оғули, илон,— деб ўйлади домла.— Илонлар шоҳи... Ўрдасидан чиқиб келибди. Кўз юмиб ўтиришини!.. Мана ҳозир мени аврашга киришади. Қани, тилини қаёққа айлантирас экан?..»— Шароф унга чой узатди:

— Аввал таом, тақсир. Қани, ионга қарасилар.

Шайх Шаҳобиддин, одатига кура, «бисмилло»ни қироат билан тўла айтиб, оғзига бир тишлам нон солди, луқмани ютиб, чой ҳўплади, кейин сеҳрловчи кўзларини унга тикди:

— Жанобингизни бир зиёрат қилмоқ купдан кўнгилда бор эди... Худонинг хуш курган яхши фурсати бугун эркан...— муқаддимадан ўзи қонмади, хиёл тин олиб, яна чой ҳўплади, у бошқа, дабдабалироқ муқаддима изларди.

Шароф домланинг юзига истеҳзоли қулги югорди: «Тилинг дуруст айланмаяпти, айёр!» деб ўйлади. Шайхнинг бу камтарона ўтириши унинг гашини келтирди.

— Хокисорликни келиштиrolмадингиз, тақсир,— деб қулди,— ёпишмас экан сизга!

Шайх ногаҳон сесканди: «Нега мен унинг ҳузурида сўзимни йўқотиб қўявераман? Ё мени унга ожиз яратганимидинг, тангри... Унинг сўзлари заҳар, юракка игна бўлиб санчилади!»— у куч билан ихтиёри қулга олди:

— Шаддодсиз, муаллим афанди, шаддод,— зўрмазўраки кулимсиради у. Ҳаёлига беихтиёр марҳум дадаси келди, руҳланиб давом этди.— Камтаринлик, хокисорлик бизга падари бузрукворимиздан мерос. У кишининг бу фазилатлари жанобингизнинг хотираларидан ўчмагандир, деб умид қиласман...

Шайх Шаҳобиддиннинг дадаси сипо, нуроний киши бўлиб, шайхлар орасидан чиққан толиби-ilm мударрис эди. Шароф унинг суратини кўз олдига келтираркан, Шаҳобиддинни унга қиёс қилди: «Дадасидан нима юқсан унга? Ранг-рўй, қомат, виқор ва сиполик... Тағин нима?»

— У кишининг яхши сифатлари кўп эди, шайх.

Шайх хиёл қизарди, кўзи яна тез пирпиради. Аммо шу вазиятни сақламаса дуруст гап айттолмаслигини тушунди, узилган гапини улади.

— У кишининг арвоҳларига ҳурмат бажо қилишингизга амин эрдим. Олма дарахтининг меваси ўз тагига тўкиладир. Мен у кишининг мевалари бўлганим учун худога шукур қиладирман...

«Қани, қаёққа ўрмаларкинсан», деб ўйлади Шароф домла, мийнидан истеҳзоли кулги аrimай. Шайх унга тикилмасликка ҳаракат қилди:

— У киши, шогирдларимнинг иешқадами, деб сизни ҳаммамизга ибрат қилар эрдилар. Сизнинг ҳам хотирингиздан кўтарилимагандир: Кўқон мадрасасига элтишларидан олдин бир исчамизни хонақоҳга жамлаб, қилган ватъэз-насиҳатлари.— Шайх дадасининг таъриф-тавсифига киришди, унинг эл-юрт олдида эътибори баландлиги, намозжумъа кунлари Оқ масжидда Қўшбулоқ депарасидан тўнланган тумонот одамлар олдида имомликка ўтишларини узоқ гапирди.— Мен у кишининг изиларини бажо келтириб, умримни амри худога бағишладим, аммо лекин, афсуски...

Шайх Шаҳобиддин бу ёғини айтольмади, у: «Афсуски сиз у кишининг изиларидан четлашдингиз, даҳрийлик йўлида кетдингиз», демоқчи эди. Шароф буни фаҳмлади, ўзини тўхтатолмай барала кулиб юборди. Шайх яна сесканди, ҳатто тебранди:

— Дарвое, сиз даҳрий-ку, хаёлимдан кўтарилибди!

— Мана энди ўз гапингизни топдингиз, шайх,— деди Шароф домла.— Дадил айтаверинг. Биласиз, жаҳлим чиқмайди. Ҳалол гап мунофиқни сесканиради, лекин менга ёқади. Чунки, мен бор нарсага ишонаман.

— Бетга айтганинг заҳри йўқ: кофирсиз, беймонсиз!

— Бу чакки, менинг шаънимга туҳмат, шайх!— деди Шароф.— Аждодимиз буюк ҳаким Абу Али Ибн Синон биласиз. У киши умрини одамларни дарддан холи қилишга, улар дардига шифо буладиган дори-дармонлар топишга бағишилаган. Шунинг учун, инсонни касалланишдан, бевақт улиб кетишдан асраш йулида қилган фидойилиги учун руҳонийлар уни «кофир, имонсиз», деб эълон қилганлар, ўз юртига сиғдирмаганлар. Үқиганимисиз, у киши нима деб жавоб қилган? Йўқми? Эшитниг булмасам: «Дунёда менинг имонимдан маҳкам имон топилмайди!» У кишининг имони — инсонпарварлик. Мен шу имонни қабул қилганиман, халққа, Ватанга эътиқодни. Менинг бу эътиқодим, шайх, даҳрий, ваҳший деб эълон қилинганимда, ватанга зор, халқим паноҳига зор бўлган йилларда

мустаҳкамланган, уни қадрлашни, имоннинг нималигини ўшанда билганман. Шунинг учун ҳам мен ўзимни халқим фарзандларига маърифат беришга багишлаганман.

Шайх Шаҳобиддин «бетавфиқ, даҳрий» муаллим билан баҳслашишга, муқаддас китоблардан далил, исбот келтириб, уни банд қилишга ожиз эди. Ўз ҳукми утадиган замон бўлганида, уни сазойи қилдириб, дорга остиришдаи ёки бошини жодида кестиришдаи ҳам тоймасди. Начора, замони ўтди! Энди алам-ғазабини ютишга, нафратини сиртига чиқармасликка мажбур.

— Кексайдингиз, ўзгарганмисиз, деб хаёл қилган эрдим,— деди у босиқлиқ билан.— Баҳс ва мунозарада ҳануз кўп қизишиб гап юритасиз. Зотаи, сизнинг туғри сўзлигингиз, ўзсўзлигингиз, гарчи эътиқодингиз бизга ёт бўлса ҳамки, менга ёқадир.

«Тилинг хушомадга ҳам айланадиган бўлибди,— деб фижинди Шароф домла.— Буниси менга ёқмайди. Догули!..»

— Менинг зиддимга ўзингиз келтирган иборани сизнинг зиддингизга мен ишлатай,— деди у кулламирашиб:— Бетга айтганинг заҳри йўқ, шайх, тан берган булишингиз мумкин, аммо «ёқади», деганингизга ишониб бўлмайди. Бу кўнглингиздагига хилоф сўз. Ҳануз «узгармаганим»га келганда, билиб қўйинг: имони бўш, омонат кишиларгина ўзгаради.

«Нима бўлди менга,— деб ўйлади Шайх.— Астағфируллоҳ! Нуқул, ўз тилемдан илиняпман... Гапни кисқа қилиб, иянимни айтиб қўяқолсан булмасмиди? Аммо бунисига ишонармикин? Ишонмас... Баҳарнави кўз учрашди!..»

— Сиз билан мусоҳабада кишининг хумори ёзиладур, мушоҳадаси бойийдур, муаллим афанди,— деди шайх хийла сукутдан кейин.

«Э-ҳа! Қилвир. «Сан билан гаплашсам тилем куяди», деб қўя қолсанг-ку «мусоҳаба» тугайди! Йўқ, ўрдангдан судралиб чиқишга мажбур қилган сабаб бу эмас!..»— Шароф домла қимога қимо билан жавоб қилди:

— Мен кўп ташна эдим. Хуморим ёзилди, тақсир. Таширифингиздан миннатдорман.

Шайхнинг қўзиб турган нафрати хийла чўккан, чиройли чеҳрасига тепган ҳайрат ифодаси доимий виқор билан қўшилиб кетган эди. Шайх гапни яна ўтмишга,

ёшлик йилларига бурди, уша йиллардаги ҳәётини эслади, уни «маъсумлик чөглари», деб атади, уни күп құмсаши-ни айтди. Мархұм дадасини яна эслади, унинг олижаноб-лик сифатларини ҳаяжон билан жұшиб таърифлади. Шароф домла пешанасини үқалаб, гап құшмай үтиреди, унинг гапи оқимини үз йўлига қўйиб берди, нутқининг учи қаерга бориб, нимага уланишини кутди. Шаҳобиддин шайхлик, пирлик даражасини қўлга киритиб олгандан кейинги воқеаларга яқин йўламади, гуё ҳеч нима юз бермаган, шайх «амри худони» бажо келтирган, мўминларнинг «осойиш ва фароғатли кун кечиришларига фидокор» бўлган...

Шароф домла үз хаёли етагида бўлиб, шайхнинг гаплари қулоғига кирмасди. Уша ватангадоликда у кўп юртларни кезди, турли халқларнинг турмуш йусини, адабиёти, маданияти, урф-одати ва дини билан танишди. Муҳташам, салобатли черковларни кўрди. Булардаги хилмажил раңг ва бўёқ бериб чизилган расмлар, олтии суви бериб ишланган нақшлар — бу ажойиб ижод одам кўнглида оғир маъюслик қўзгайди, уни итоатга, топинишга даъват қиласди. Яна бошқа юртларда у худо деб аталган галати ҳайкалларни, жониворларни томоша қиласди. Черков-бутхоналарга қиёс қилганда масжидлар жуда-жуда гариб кўринди, бу динни кашиф этган Муҳаммаднинг қиёфаси қўзига сеҳргар бўлиб кўринди. Шароф буларнинг ҳаммасини таҳлил қилгач, бу дину худоларни инсон мӯъжизакор ақл-заковати билан узи яратиб, уларга узи топинибди ва ўз маҳсули бўйнига бўйинтуруқ бўлиб қолибди, деган холосага келди. Аммо бу заковат маҳсулини кимлар бўйинтуруққа айлантириди? Дин пешволари... Шайх Шаҳобиддин эса қиёфасига виқор ва мумтозлик тамом қайтиб гапирав, гапининг оқими ўтмиш тавсифидан шу кунларга етган, шўро ҳукуматининг саъи-ҳараратига хайриҳоҳ эканини айтарди.

— Кейинги вақтларда, муаллим афанди,— деди у бирлаҳза сукут сақлаб, Шароф домлага бир қараб олди.— Қуръони шарифни диққат билан қайта қараб чиқдим, унда кўп муқаддас фикрлар бордирким — булар жанобингизга аён бўлса керак,— ҳукуматнинг бойлар мулкини кесиб, камбағаллар-бечораларга тақсимлаб бериш бора-сида кўрмоқчи бўлаётган тадбирларини қўллайдур...— У яна сукут сақлаб, домлага қаради, афтидан, унинг юзида ўз фикрини қувватлайдиган ифода кўрмоқчи бўлди. Ша-